

Хабар

9

(806)-son

29-fevral

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

• Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! •

Nokia kompaniyasi Kembrij universiteti bilan hamkorlikda nano-technologiyalar asosida yangi avlod telefonini ishlab chiqardi. Morph deb nomlanuvchi ushbu telefonning tashqi tарафи tўliq экрандан iborat va undan foydalananda barмоқ izlari qolmaydi. Video kўriш, internet va бошқа хизматлардан fойдаланиш зарурати туғилганда, телефонни чўзиб катталаштириш мумкин. Чунки, у эгилиш, турли шаклга кириш ва ҳатто ҳажмини ўзгартириш хусусиятига эга. Morph телефони 24 февралдан бошлаб Нью-Йоркдаги Замонавий санъат музейида намойиш этилмоқда. Унинг айрим таркибий қисмлари мобил телефонларда келгуси етти йил давомида пайдо бўлиши мумкин.



Ахборот-кутубхона:

ЗАМОН, ТАЛАБ, ЭҲТИЁЖ!

Инсон тўлақонли ҳаёт кечириши учун нафақат жисмини, балки руҳини ҳам озиклантириб бормоғи зарур. Руҳга қувват бўлувчи куч — бу маънавий озуқа бўлиб, уни илму маърифат, билим орқалигина олишимиз мумкин. Зеро, она замин куёшнинг заррин нурларидан гуллаб-яшнагани каби инсон қалби ҳам илм зиёсидан гўзаллашади, нурланади, эзгулик, меҳру мурувватга тўлади. Ота-боболаримизнинг қадим-қадимдан илм хазиналари — кутубхоналарга катта эътибор бериб келишлари сабаби ҳам шунда.

2-БЕТ

Ушбу сонда:

Қишлоқларда интернет

3-БЕТ

Универсал хизматлар сифати: у талабга жавоб берадими?

4-БЕТ

Интернетпарастлик: фойдами ёки...

5-БЕТ

Молодёж — детям

6-БЕТ

Компьютер сабоқлари

11-12-БЕТЛАР

Почтадан жўнатиш мумкинми?

13-БЕТ

Йирик лойиҳалар ижроси

16-БЕТ

www.alskom.uz
O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK
SUG'URTA - KOMPANIYASI*Кенг қамровли
сугурта хизматлари*

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 феврал куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Москва шаҳрида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.**

Саммитда Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” орденини топширди.

✓ Матбуотда “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-26 феврал кунлари Корея Республикасига ташриф буюрди.** Давлатимиз раҳбари 25 феврал куни Корея Республикасининг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришга расман киришишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Сеулдаги “Чонг Ва Дэ” қароргоҳида 26 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Сеулга ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Korean Air” ва “Корея газ корпорацияси” (“КОГАЗ”) раҳбарларини қабул қилди. Ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция киритишни назарда тутадиган натижалар билан яқунланди.

✓ Шу кунларда Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ва технологиялар вазири бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида иқтисодий форум бўлиб ўтди.

Иқтисодий форумда икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида музокаралар ўтказилди.

✓ Юртимизда илгор педагогик жамоаларнинг намунали иш тажрибаларини оммалаштириш, уларнинг таълим тизимини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида аънавий “Йилнинг энг яхши мактаби” кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Ушбу кўрик-танловнинг 2007 йилги голибини аниқлаш маросими Бекобод шаҳридаги 16-мактабда бўлиб ўтди. Кўрик-танлов якунига кўра, Тошкент шаҳридаги 169-мактаб жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, иккита иккинчи ўрин — Андижон ва Навоий вилоятлари жамоаларига насиб этди. Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

AKM HAYOTIDAN

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бугунги ахборот алмашиш борасида янгидан-янги имкониятлар эшиги очилаётган шиддаткор давр зиё масканларига ҳам янгича муносабатда бўлмоқликни тақозо этмоқда. Замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда кутубхона тармоғини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгрок ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2006 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори жойларда қандай бажарилмоқда? Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер ИШМАТОВ марказда олиб борилаётган ишлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Ахборот-кутубхона: замон, талаб, эҳтиёж!

— Айни пайтда республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ҳаммаси бўлиб 14та ахборот-кутубхона маркази фаолият кўрсатиб, уларда жами 796 нафар малакали мутахассис меҳнат қилишаётир. Ҳозирги ахборот асри талабларидан келиб чиқиб, катта ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Булар:

- аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, китобхонларнинг илмий-таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида қондириш;

- уларга аънавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

- универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

- йилма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумотлар базаларини яратиш;

- жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий методик жиҳатдан таъминлаш каби муҳим вазифалардир.

Ахборотлаштиришга оид янгиликлар кун сайин ўзгариб бораётган ҳозирги даврда бу каби вазифаларни амалга ошириш ходимларнинг билим ва малакалари юқори бўлишига, интилувчанлигига ҳамда меҳнат қилишлари учун етарли шароит яратиш берилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда мутахассисларимиз Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг жойлардаги филиалларида ўқиб, янгича ишлаш услубини ўрганмоқдалар. Жойлардаги ахборот-кутубхона марказларини замонавий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2006 йилда 100 дона, ўтган йили эса 153 дона компьютер ва бошқа техника воситалари олиб берилди.

Биз ходимлар малакасини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишларига эришиш мақсадида жойларда семинар-тренинглار ўтказишга катта аҳамият бераймиз. Жумладан, 2007 йилнинг 4-5 сентябр кунлари Андижон ахборот-кутубхона маркази (АКМ)да “Ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқбол” мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Анжуманда РАКМ мутахассислари, кутубхоначилар, барча АКМ директорлари ва Андижон вилояти ахборот-ресурс марказларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Ўтган йил 7 январь куни

АКМ директорлари, ўринбосарлари, бош ҳисобчилари иштирокида “Ахборот-кутубхона тизимининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиши муаммолари”, 2008 йил 28-29 январь кунлари эса АКМ мутахассислари учун “АКМ фаолиятини режалаштириш” мавзусида семинар-ўқув машғулоти ўтказилди.

Ахборот-кутубхона фаолиятида янгиликлардан тўлиқ хабардор бўлиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлигини инобатга олган ҳолда ва Россия Федерацияси таклифига биноан (2007 йил июль ва октябр ойларида) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва РАКМ вакиллари Санкт-Петербург ва Москва шаҳарлари кутубхоналари (Россия Миллий кутубхонаси, Россия Давлат кутубхонаси ва Россия Фанлар Академиясининг Умумроссия илмий ва техникавий ахборот институти)га хизмат сафари уюштирилди. Москва шаҳрида ўтказилган Ҳамдўстлик давлатларининг илмий-техникавий ахборотлар бўйича Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг 15-йўчилиши ва “Ахборот



жамияти. Ахборотга интеллектуал ишлов бериш. Ахборот технологиялари. НТИ 2007” деб номланган 7-халқаро анжуманида (2007 йил 23-26 октябр) маъруза билан иштирок этдик.

РАКМ мутахассислари томонидан АКМлар иш фаолиятида фойдаланишлари учун бир қатор услубий йўлнамалар жумладан: “АКМ фондларини текшириш йўриқномаси”, “АКМ фондларини сақлаш йўриқномаси”, “АКМ фондларини ҳисобга олиш йўриқномаси” ҳамда улар учун ҳисоботларнинг янги шакллари, яъни “Рақамли ҳисоботларнинг янги шакли” ва “Фонд ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли” ишлаб чиқилди.

Шунингдек, “АКМ иш фаолиятини режалаштириш намуналари”, “АКМ фаолиятида тўқислаш учун мавзули режа тузиш намунаси” ҳамда “АКМ иш жараёнларининг комплекс вақт меъёрлари” ҳужжатлари тайёрланди ва барча ҳужжатлар 2008 йил 28-29 январь кунлари “АКМ фаолиятини режалаштириш” мавзусида семинар-ўқув машғулотида мутахассисларга тақдим этилди.

Барча АКМларда компьютер ўқув заллари ишлаб турибди. Улар “ZiyoNet” ахборот тармоғига ulangan. АКМларда электрон каталог яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Биз жойий йилда ҳам бошлаган ишларимизни давом эттириш учун ҳаракат қилаямиз.

Дарвоқе, апрел ва октябр ойларида россиялик мутахассислар иштирокида семинар ўтказмоқчимиз. Шунингдек, феврал-март ойларида наشريётлар ва РАКМ мутахассислари иштирокида кутубхоналар фондларини янги адабиётлар билан тўлдирish масалалари юзасидан давра сўхбати, Фарғона АКМда октябр ойида “Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва кутубхона ахборот-ресурсларидан фойдаланиш” мавзусида 5-Халқаро анжуман ўтказиш режалаштирилган. Амалга ошираётган барча ишларимиз биргина мақсад — китобхонларга замон талабларига мос теъзор ва сифатли хизмат кўрсатишга қаратилгандир.

Муборак МИРКАМолова
ёзиб олди

YANGI XIZMAT TURLARI

Бозор иқтисодиёти шароитида алоқа корхоналари иш самарадорлигининг ошиши аҳолига, корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган қўшимча хизмат турларидан нечоғлиқ фойдаланишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. “Бухоро Телеком” филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида мазкур йўналишда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган 2007 йилда, айниқса, конференцалоқа, парол орқали шаҳарлари телефон сўзлашувларидан фойдаланиш, кириш кўнгиракларини бошқа рақамга йўналтириш, сўзлашув вақтида маълумот олиш сингари қўшимча хизмат турларининг кенг татбиқ этилганлиги ютуқлар омили бўлди. Вилоятнинг Ғиждувон, Шофиркон, Жондор ва Когон туманларида бундай хизмат турларидан унумли фойдаланилаётганлиги натижасида кутилган самарага эришилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ жойларида ҳам замонавий алоқа воситаларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилаётганлиги алоқа тизимида белгиланган истиқболли вазифалар ва тегишли дастурлар изчил амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Жумладан, соҳада қўшимча хизмат турларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг йилдан йилга ошиб бораётганлиги айнан ана шундай хизмат турларидан олинаётган даромадларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этапти. Масалан, 2006 йил якунлари бўйича қўшимча хизмат турларидан олинган даромад вилоят бўйича 108 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 143 миллион сўмга етказилди. Бу борадаги йиллик режа 102,2 фоизга уфдаланди. Бир қатор шаҳар ва туманларда ушбу йўналишда юқори кўрсаткичларга эришилди. Бухоро шаҳрида ўтган йили қўшимча хизмат турлари бўйича жами 70 миллион 800 минг сўмлик, Ғиждувон туманида эса 16 миллион 34 минг сўмлик даромад кўлга киритилиб, белгиланган режа-топшиқлар ортиги билан бажарилди.

Президентимизнинг 2007 йил, 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш



Қишлоқларда интернет

ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан жумладан, қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ўсиб бораётган талабларга жавоб бераётгани хусусида сўз юритилган ҳамда алоқа соҳаси корхона-ташкilotларининг бу борадаги долзарб вазифалари белгилаб берилган эди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ижросини таъминлашда ҳам вилоятда муайян ютуқлар кўлга киритилмоқда. Мавжуд 1490та қишлоқнинг аксариятида фаолият кўрсатаётган почта алоқаси бўлимларида туман марказларидаги АТСлардан алоқа линиялари тортилиб, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон хизмати кўрсатаётган шахобчалар ташкил этилган. Шофиркон, Ғиждувон, Бухоро, Пешку, Ромитан туманларидаги қишлоқларда ҳозирги пайтда 5-9тадан ана шундай шахобчалар ишлаб турибди. Бундан ташқари, туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳам алоқа хизмати кўрсатиш шахобчалари ишини йўлга қўйиш бўйича сай-ҳаракатлар кўзга ташланаяпти, бу ҳам аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб-эhtiёжларига тўла мос келади. Жойларда фаолият олиб бораётган интернет, маълумотлар узатиш ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш шахобчалари лицензия олинаётганлиги диққатга сазовордир. Шофиркон туманидаги Денов қишлоғида ташкил этилган “Дарёи

беҳиш”, Ғиждувон шаҳрида иш юритаётган “Комил Саид Камол Файз”, Бухоро туманидаги марказий АТС биносидан ўз ишини бошлаган “Зу-зу интер-сервис” сингари бир қатор шахобчалар шулар жумласидандир. Пешку туманидаги Пешку қишлоғида иш олиб бораётган “Сансардор” фирмаси раҳбарлари томонидан ҳам ана шундай шахобча иши йўлга қўйилган бўлиб, буларнинг барчаси аҳолига талай энгилликлар туғдирапти.

Жорий йилдан бошлаб вилоятнинг бошқа бир қатор қишлоқларида ҳам интернет, маълумотлар узатиш ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда Жондор, Ромитан ва Қоракўл туманларидаги Чорзона, Қумработ, Қозон қишлоқларида, Пешку туманидаги Янгибозор қўрғонидан ҳамда Вобкент туманидаги Кўлхатибод деҳқон хўжалигида келгусида фаолият кўрсатувчи ана шундай шахобчалар бўйича тегишли ҳужжатлар лицензия олиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тақдим этилган бўлиб, яқин ойлари ичида ушбу маскнлар аҳолиси ҳам беминнат алоқа хизматида фойдалана бошлайди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Роуминг кенгаймоқда

“Unitel” МЧЖ халқаро роуминг хизмати имкониятларини кенгайтирмоқда.

Икки томонлама GPRS роуминг Россиянинг «BaykalWestcom» мобил оператори билан очилди. Икки томонлама роуминг хизмати GSM стандартида хизмат кўрсатадиган Словакиянинг T-Mobile Slovenko оператори билан ишга туширилди.

Роумингда кўнгирак амалга ошириш ва қабул қилиш учун ҳисобда 50\$дан ортиқ маблағ бўлиши лозим. Ҳисобда 20\$дан ортиқроқ сумма қолгунча роуминг хизматидан фойдаланиш мумкин бўлади. Агар абонент ҳисобкитобларнинг кредит тизимини танлаган бўлса, халқаро роуминг хизматини ёқтириш учун абонентлар бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилиши ҳамда 300\$ микдорида депозит қўйиши керак.

Ҳозирги кунда «Билайн» хизматидан фойдаланувчилар учун роуминг хизмати 108 мамлакатдаги 228 оператор тармоғида мавжуд.

Агар саёҳат асносида «Билайн» абонентларига ёрдам ёки маслаҳат зарур бўлиб қолса, +998(90) 185-00-55 рақами орқали Мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан боғланиш мумкин.

Буюк мўъжиза

Юртбошимиз айтганларидек, илм, тафаккур инсонлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файзу барака келтирадиган буюк мўъжизадир. Дарҳақиқат, у орқали орзу умидлар ушалади.

Туман халқ таълим бўлимига қарашли Ахборот-ресурс марказимиз ходимлари буни ўз фаолиятларининг мезони деб билишади. Улар ёшларга пухта билим ва ахборот улашишга баҳамжиҳат ҳисса қўйиш ҳаракатида бўлишяпти.

Марказга замонавий компьютерлар ўрнатилган. Тумандаги мактаб ўқувчилари ва 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ана шу имкониятдан кенг фойдаланишмоқда. Бунда малакали мутахассисларимизнинг амалий кўмаги катта бўлмоқда. Айниқса, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг янгиликка қизиқишлари атрофлича ўрганилди. Жонли суҳбатлар ва ижодий кечалар ўтказилди. Шу билан бирга, баъзи хонадонларда “Ноғирони бор уй синфлари” очилган. Бу эса уларнинг ҳаётдаги ўрнини ҳис этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги зиммадаги масъулиятни янада ошириб юборди. Шунинг учун ҳам ойнанинг сўнгги ҳафтасида ўтказилаётган мувофиқлаштирувчи кенгаш ва услуб-метод бирлашмаларининг семинар-тренинг тадбирларида бажарилган ишларга баҳо бериб боряпмиз. Дарҳақиқат, илми бўлиш буюк мўъжиза экан, ёшларнинг унга бўлган эhtiёжини қондиришга ҳамisha эътиборли бўлаемиз.

Комилжон ШОЙИМОВ,
Сурхондарё вилояти Бойсун тумани
ахборот-ресурс маркази раҳбари

TATU HAYOTIDAN



Ёшлар ва масъулият

Ташкент ахборот технологиялари университетида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида “Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш” мавзусида учрашув-суҳбат ўтказилди. Учрашувга Ташкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник С.Нигматов, Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Х.Умиров, Юнусобод тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан М.Жабборовлар тақлиф этилди.

Илгиллини университетнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари проректори Н.Мўминов очиб, 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёшларга эътибор бўлиши билан бирга, улар зиммасига катта масъулият ҳам юклашгани, бугунги кунда аксарият йигит-қизлар ўз истеъдодларини намоён этиб, қутлуг ишларга қўл уришаётгани ҳақида сўзлади. Лекин бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг тез-тез кузатилиши, гиёҳвандликнинг тарқалиши ва ОИТС га чалиниш ҳолатлари ҳам кузатилаётгани ачинарли ҳол эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг талабаларга “Аянч ва кул-

фат вабоси” деб номланган 25 дақиқалик филм намойиш этилди.

Филм сўнггида сўз полковник Садриддин Нейматовга берилди. У айрим иродаси суст ёшлар ўртасида юз бераётган турли жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида гапирди. Талаба-ёшлар Ўзбекистон Республикаси қонунларини яхши билмасликлари оқибатида ҳам билиб-билмай жиноятга қўл уряптилар, дея таъкидлаб, айниқса, олий ўқув юрти талабалари ўртасида ҳужжатларни қалбақлаштириш, тест синовлари пайтида ҳуқуқбузарликка йўл қўйиш ҳолатлари тез-тез кузатилаётганини уқтирди. Шу билан бирга, ТАТУда талабалар ўртасида посбонлик гуруҳлари фаолияти яхши йўлга қўйилганини ва улар ижобий самара бераётганини ҳам таъкидлаб, университет раҳбариятига ва талабаларга миннатдорчилик билдирди.

Илгилли сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Эъзога КАРИМОВА,
ТАТУ Маънавият ва маърифат
бўлими бошлиғи

XALQARO HAYOT

НАМОЙИШЛАР
ОРТИБ БОРМОҚДА

Чоршанба куни Сербия Республикаси пойтахти (Босния ва Герцеговина субъекти)да бир неча минг намоёишчи Косовонинг бир томонлама мустақиллик эълон қилишига қарши намоёишга чиққан.

«Бета» агентлигининг хабар беришича, Косовонинг Баня-Лука шаҳридаги Америка консулликка ёриб киришга уринган намоёишчиларни полиция тўхатиб қолган. Натижада икки ўртада тўқнашув келиб чиққан. Намоёишчилар ҳуқуқ-тартибот хизматчиларига қарата тош, ёнувчи модда солинган идишлар улоқтиришган. Консуллик биносига олиб борувчи барча кўчаларни полициянинг кучайтирилган таркиби кўриқламоқда, консуллик олдида эса полиция бронетранспортери қўйилган. Полициячилар орасида яраланганлар борлиги айтилмоқда.

Шу куни Туркия, Хорватия, Буюк Британия, Белгия, Германия, Босния ва Герцеговина, Канада элчихоналари олдида ҳам намоёишлар бўлиб ўтган.

ГУМОНДОР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Покистон ҳукумати мамлакат собиқ бош вазири Беназир Бхуттога уюштирилган суиқасдни ташкиллаштиришда гумон қилинган шахсни қўлга олди. Бу ҳақда Покистон ички ишлар вазири Ҳамид Навоз Хон «Ассошиэйтед Пресс» агентлигига маълум қилган.

Гумондор Қори Сайфулло Ахтар мамлакатнинг Лаҳор шаҳрида қўлга тушган. Текширув доирасида Ахтарнинг уч нафар ўғли ҳам қамоққа олинган. Ҳукумат берган маълумотга кўра, аввал Ахтар «Ал-Қоида»нинг Афғонистондаги машқ лагериди тайёргарлик қўрган.

Эслатиб ўтаемиз: Беназир Бхутто 2007 йилнинг 27 декабрида Равалпинди шаҳрида кўпмиг сонли митингга иштирок этаётган вақтда ўлдирилган эди. Ўшанда жангари шахс унинг автомобилга қарата ўқ очиб, сўнг ўзини портлатиб юбориши натижасида Бхуттодан ташқари яна 26 нафар одам ҳалок бўлган, 90 нафарга яқини жароҳатланганди.

КОНДОЛИЗА РАЙС
КЕЧИРИМ СЎРАМОҚЧИ

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс чоршанба куни Пекинда япониялик раҳбарлар билан учрашиш учун Токиога келди. Пайшанба куни эса Японияда бўлиб турган Исроил Бош вазири Эхуд Олмерт билан фикр алмашди.

Америкалик юқори мартабали расмийнинг ушбу таширифи диққат марказида КХДР ядро дастури атрофидаги ҳолатлар ҳақида гап борди. Ушбу ташириф АҚШ ва Япония Пхеньяни ядро объектини қуришни тўхатиш борасидаги ваъдасини бажаришга кўндириш учун биргаликда қадам ташлаганидан далолатдир. КХДР бу ишни 2007 йил охиригача бажаришни зиммасига олган эди, аммо ҳамон пайсалга солиб келмоқда.

Ташириф давомида Райснинг сўнги пайтда Японияда америкалик ҳарбийларнинг судир этган жиноятлари, жумладан, 14 ёшли мактаб ўқувчисига тажовуз қўлган АҚШ денгиз пйеда аскари учун давлат номидан кечириш сўраши ҳам қўтилмоқда.

ИККИ ПОЛШАЛИК
АСКАР ҲАЛОК БЎЛДИ

Афғонистонда уч нафар полшалик аскар мианага дуч келган, оқибатда икки нафари ҳалок бўлган, бир нафари енгил жароҳатланган. Бу ҳақда ушбу мамлакатдаги Полша ҳарбий контингенти матбуот котиби Мирослав Охира журналистларга маълум қилган.

Унинг айтишича, аскарлар автомобили мина-тузоққа тушиб қолган. Ҳалокат Пактик музофотида содир бўлган. Полша бош вазири Доналд Туск ҳалок бўлганлар яқинларига ҳамдардик билдирган.

Афғонистоннинг шарқий қисмида НАТОнинг икки ҳарбий хизматчиси ҳам снаряднинг портлаши оқибатида ҳалок бўлган. Бир нафари яраланган. Ҳозирча ҳалок бўлганларнинг миллати маълум қилингани йўқ.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Почта алоқаси жамият ижтимоий инфратузилмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Хат-хабарларни жўнатиш пайдо бўлгандан буён почта инсоният маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Оддий бир қоғозда ёзилган муҳим воқеалар қанча қалбларга илиқлик бағишлайди.

Универсал хизматлар
сифати: У талабга
жавоб берадими?

Ҳозирги даврда янги технологиялар асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш жадал ривожланишига қарамасдан хатлар ўз фаоллигини ҳамон сақлаб келмоқда. Лекин хат-хабарлар вақтида олувчиларга етказилсагина ўз мавқеини сақлаб қолади.

Бугунги кунда республикамизнинг бутун ҳудудини қамраб олган почта алоқаси тармоқлари орқали истеъмолчиларга почта хизматлари кўрсатилмоқда. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган. Мазкур қонунга асосан мамлакатимиз ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта алоқасининг ёзма хат-хабарларни жўнатиш бўйича барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлари почта алоқасининг универсал хизмати ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги 339-сонли қарори билан республиканинг бутун ҳудудида барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқасининг универсал хизматларини кўрсатиш «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда истеъмолчиларга кўрсатилаётган универсал почта алоқаси хизматлари сифати талабга жавоб берадими?

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2001 йил 22 январдаги «Почта ва телекоммуникациялар махсулотлари сифат кўрсаткичлари ва меъёрлари тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги 29-сонли буйруғи амалга киритилган ёзма хат-хабарларнинг қабул қилинган жойдаги почта алоқаси объектидан уларни топшириш жойидаги почта алоқаси объектига ўтиши назорат мuddатлари бажарилаяптими?

Ёзма хат-хабарларнинг назорат мuddатларида ўтишини текшириш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2007 йилнинг охириги тўрт ойида республика бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари ва почта қутилари орқали 555та, жумладан, 123та буюртмали ва 432та оддий назорат хатлари жўнатилиб, почта алоқасининг универсал хизматлари мониторинги ўтказилди.

Мониторинг жараёнида жўнатирилган 555та назорат хатларининг 8,1 фоизи ёки 45таси, жумладан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Навоий филиали бўйича 4та буюртмали ва 2та оддий хат, Тошкент филиали бўйича 11та оддий, Бухоро филиали бўйича 9та, Сурхондарё филиали бўйича 5та, Андижон филиали бўйича 4та, Самарқанд ва Хоразм филиаллари бўйича 3тадан оддий хат, На-

манган филиали бўйича 1та буюртмали хат, Жиззах, «Тошкент почтамати» ва Қорақалпоқ филиаллари бўйича 1тадан оддий хат манзилга назорат мuddатларидан кеч етказилган.

Энг ачинарлиси шуки, жўнатирилган назорат хатларининг 14 фоизи ёки 78таси, жумладан, Бухоро филиали бўйича 20та оддий хат, Навоий филиали бўйича 1та буюртмали ва 10та оддий хат, Қашқадарё филиали бўйича 5та оддий, Самарқанд ва Тошкент филиаллари бўйича 10тадан, Фарғона фи-

лиали бўйича 7та, Жиззах филиали бўйича 6та, Сурхондарё филиали бўйича 4та, «Тошкент почтамати» филиали бўйича 2та, Наманган, Сирдарё ва Қорақалпоқ филиалларида 1тадан оддий хат манзилга етиб бормасдан йўқолган.

Назорат хатларининг 10,1 фоизи ёки 56та хат, жумладан, Фарғона филиали бўйича 21та оддий хат, Қашқадарё филиали бўйича 10та,

Жиззах филиали бўйича 6та, «Тошкент почтамати» филиали бўйича 5та, Сурхондарё филиали бўйича 4та оддий хатлар, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент филиалларининг хар бирида 3тадан, Қорақалпоқ филиали бўйича 1та оддий хат почта қутиларидан 1 кундан 10 кунгача белгиланган мuddатдан кечиктирилиб олинган.

Назорат хатларининг 7,4 фоизи ёки 41таси, жумладан, Навоий филиали бўйича 7та буюртмали ва 5та оддий хат, Наманган филиали бўйича 1та буюртмали ва 3та оддий, Қашқадарё филиали бўйича 1та буюртмали ва 2та оддий, Қорақалпоқ филиали бўйича 1та буюртмали хат, Сурхондарё ва Бухоро филиаллари бўйича 5тадан, «Тошкент почтамати»

филиали бўйича 4та, Тошкент филиали бўйича 3та, Сирдарё филиали бўйича 2та, Фарғона ва Жиззах филиаллари бўйича 1тадан оддий хат адресатга топшириш жойидаги алоқа бўлимига келиб тушгандан кейин 1 кундан 11 кунгача эгаларига кечиктириб етказилган.

Таъкидлаш лозимки, 2007 йил давомида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг вилоят филиаллари ва почта алоқаси тармоқлари томонидан тақдим этилган 15-шакл алоқа (почта) статистик ҳисоботида ҳисобга олинган хатлар бўйича назорат мuddатларининг белгиланган меъёри бузилмаганлиги қайд этилган.

Юқоридаги ҳолатлар жойларда истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб, почта алоқаси салоҳиятига путур етказмоқда.

Мониторинг натижалари аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва хизматлар сифатини ошириш чораларини кўриш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тақдим этилди. Камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилганлиги тўғрисида акциядорлик жамиятидан маълумотлар олинди.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан мазкур йўналишдаги ишлар 2008 йилда ҳам давом эттирилмоқда ва истеъмолчиларга сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилиши доимий назоратга олинган.

Нуржов СОАТОВ,
Давлат алоқа инспекцияси почта
алоқаси бўлими бошлиғи

Ёзма хат-хабарларнинг назорат мuddатларида ўтишини текшириш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2007 йилнинг охириги тўрт ойида республика бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари ва почта қутилари орқали 555та, жумладан, 123та буюртмали ва 432та оддий назорат хатлари жўнатилиб, почта алоқасининг универсал хизматлари мониторинги ўтказилди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Жахон ўргимчак түри (www) – интернет бугун том маънода бутун дунёни ўз “тўрига” ўраб улгурди. Ушбу тармоқ кириб бормаган бирор давлатни, корхона ё муассасани топиш жуда мушкул. Топилган тақдирда ҳам, демак, ўша жой тараққийётдан ортда қолган ҳисобланади.

Интернетнинг имкониятлари жуда кенг ва бу кундан-кунга ўсиб бормоқда. Ахир, уйингизда ўтириб дунёнинг бошқа бир чеккасидаги инсонлар билан виртуал хат ёзишингиз, қулоқчин (наушник) ёрдамида овозини эшитишингиз ёки веб-камера орқали уни кўриб туришингиз, ўзингиз қизиққан исталган мавзу ҳақида сонияларда маълумотга эга бўлишингиз, бозорда-бозор, дўконда-дўкон юрмасдан, истаган нарсангизни харид қилишингиз ёки сотишингиз... буларнинг барчаси мўъжиза эмасми?! Аммо ҳаёт қонунига айланган бир ҳақиқат бор – инсоният фойдасига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт агар суиистезмол қилинса, ўзининг салбий таъсирини намоён қила бошлайди. Ахир, таёқнинг ҳам икки учи бор-ку. Шу боис, бугунги мавзуда интернетнинг, жумладан, ёшлар орасида оммалашиб бораётган компьютер уйинларининг фойдаси ва зарари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бугун нима кўп – интернет-кафелар кўп. Уларнинг исталганига бош суқинг, ёшларни кўрасиз: керакли сайтлардан ўзлари учун зарур маълумот олаётган бир-икки нафар талабани ҳисобга олмаса, уларнинг аксарияти компьютер уйинлари билан овора. Уйинлар ҳам асосан жангари жанрда – ур-йикит, отишма, одамод тафаккурига сиймайдиган турли махлуқотлар жанги... ёшлар, ўсмирлар-ку майли, 5-6 ёшли болалар ҳам, баъзилари қулоғига қулоқчин тақиб олиб, баъзилари гуруҳ-гуруҳ бўлган ҳолда бақир-чақир ила уйин билан машғул. Улар бир сўз билан айтганда, суяги интернет-да қотган... бугунги кун болалари.

Онлайн ўйинлари

Компютер уйинлари даярли компютер билан бир пайтда пайдо бўлган. Албатта, дастлаб улар ҳозиргидек аниқ бир йўналишларга ва бу қадар турли жанрларга бўлинмаган. Биринчи ўйинлар жуда содда таътилган бўлиб, асосан дастурчи рамонидан махсус дам олиш учун тайёрланган мантқиқий ўйинлар эди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб эса тижоратий компютер уйинларини тузишга киришди. Мўмай даромад топиш истагидаги ишлаб чиқарувчилар янги жанрдаги ўйинлар устида бош қотира бошлади... Натيجани бугун кўриб турибмиз: ўзингизга ёққан исталган жанрдаги ўйинларни танлаб олинг ва ўйинг!

Strategy Analytics таҳлилий компанияси мутахассислари яқинда Online Gamesни тадқиқ этишни бошлашди: Global Market Forecast 2011 йили онлайн ўйинлари сотуви 11,5 миллиард АҚШ доллари миқдориди фойда келтиришини, уларнинг йиллик ўсиши 25 фоиз атрофида бўлишини тахмин қилмоқда. Онлайн ўйинлари даромади умумий ўйин бозори айланмасида 11 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Strategy Analytics ҳисоби бўйича, ўтган йил якунида дунё бўйлаб онлайн ўйинларига 30 миллион одам ташриф бурган. Уларнинг 73 фоизини Осиё-Тинч океани ҳудудида яшовчи фойдаланувчилар ташкил этган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, сотилган 189 миллион нусха ўйиннинг 74 фоизи айнан шу минтақа ҳудудига тўғри келади.

Онлайн ўйинлари бу қадар оммалашиб кетишининг асосий сабабларидан бири кенгшакли алоқа каналлари ва уларнинг тарқатилиш нархи пасайганлигидир. Strategy Analytics баҳосича, фойдаланувчилар сони 2011 йилгача 2006 йилги 665 миллиондан 1,3 миллиард ки-

Интернетпарастлик: фойдами ёки зиёни?



шигача ўсади. Бу вақтда кўнгулчор онлайнлар 80 миллионгача кўпаяди, интернет орқали сотиладиган ўйинли маҳсулотлар нусхаси сони эса 659 миллионни ташкил этади.

Калифорниянинг Electronic Entertainment Design and Research компанияси таҳлилчиларининг фикрича, келгусида онлайнда янги ўйин турлари ишлаб чиқилиши ҳисобига даромад икки ҳисса ортиши мумкин.

Муаммонинг ечими борми?..

Интернетпарастлик кўплаб мамлакатларда аллақачон ижтимоий муаммога айланиб улгурган. Келинг, ушбу муаммо моҳиятини Хитой мисолида кўриб чиқайлик. Хитойда расмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунда 113 миң интернет-кафе ҳисобга олинган бўлиб, тармоқдан фойдаланувчиларнинг 13 фоизи ёки 18 ёшгача бўлган 2,6 миллион одам онлайн ўйинлари, порнография ва бошқа шу каби бузуқликни тарғиб қилувчи сайтлар домига тушиб қолган. Уларни руҳий зўриқиш (депрессия), қўрқин, дўстлар ва қариндошлар билан мулоқот қилишни истамаслик ва бошқа салбий таъсирлар қийнамоқда. Пекинда интернетдан фойдаланувчи ёшларни интернетпарастликдан халос қилувчи синов лагери очилгани ҳам бежиз эмас. Мазкур соғломлаштириш дастури ўн кунлик бўлиб, 14-22 ёшдагилар учун мўлжалланган. Даволаш курсларига болалар шифокорлар сўхбати ва психологик тестлар натижаларига қараб танлаб олинади.

Бу мамлакатда сўнгги пайтларда ёшларни интернетдан узоқлаштириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг охиридан болалар ва ўсмирларга интернет-кафеларга, бар ва дискотекаларга кириш ман қилинди. Парламент эса болаларнинг онлайнга тобелиги ўсишининг олдини олувчи технология ишлаб чиқариш ва бу борадаги тадқиқотларни кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, ҳукумат интернетга бўлган ишқибозликка қарши кураш бўйича дастур доирасида саккизта реабилитация клиникасини моливий таъминлаб келмоқда.

Дасинда эса интернетпарастларни даволувчи марказининг фаолият бошлаганига икки йилдан ошди. Марказда психологик ёрдам ва терапевтик даволаш

ҳарбий ўйинлар ҳамда қатъий интизом билан бирга олиб борилади. Бу ерда мижозларнинг барча бўш вақтлари пухта режалаштирилган. Эрталаб соат 6.15да уйқудан турилади ва жисмоний тарбия билан шуғулланилади, куннинг асосий қисмида улар бошқариладиган ҳарбий ўйинлар ўйнашади, лазерли тўпчанлар орқали “жанг” қилишади, гуруҳ машғулотларида қатнашади. Марказ раҳбарлари бундай терапия мижозлар учун анча самарали эканлигини таъкидлашмоқда.

Бундан ташқари, Хитойда операторлар ўз сайтига “чарчаш тизими” номи онлайн ўйинларини ўрнатишлари мажбурийлиги ҳақидаги янги қонда кўчга кирди. Тизимнинг ишлаши шундай: воёга етмаганлар учун мўлжалланган ўйинларни дастлабки уч соатда бемалол ўйнаш мумкин. Уч соатдан сўнг экранда ўйинни тўхта-тиш ва жисмоний машқлар қилиш ҳақидаги огоҳлантириш пайдо бўлади. Агар геймер тақлифни рад қилса ва ўйинни икки соатга давом эттирса, ишлаб тоған жамғармасининг ярмидан ажралади. Мабодо ўйин вақти беш соатга чўзилса, ўйинчининг барча жамғармаси олиб қўйилади. Беш соатдан ортиқ давом этганда эса ҳар ўн беш дақиқада дам олиш кераклиги ҳақида огоҳлантириш берилади. Онлайн ўйинларида рўйхатдан ўтишда геймерлар ҳақиқий исмини ва шахсий гувоҳномаси рақамини маълум қилиши шарт.

Интернет-кафе болалар боғчаси эмас

Боланинг келажаги учун аввало унинг ота-онаси маъсۇл. Мактаб, ўқув муассасалари биринчи навбатда таълим даргоҳи эканлигини унутмаслик керак. Ҳаётий кузатишлардан аниқлаш мумкинки, болаларнинг жуда ёшлигидан компютер ўйинларига ружу қўйишига ота-оналар сабабчи бўлиб қолишмоқда. Ўзаро сўхбатларда “Бирор панага яшириниб ичиб-чеккандан ёки безориликми, ўғирликми қилгандан кўра, интернет-кафеда ўтириб ўйин ўйнаган яхшида...”. “Ўғлим компютерни бинойидек ўзлаштириб олди, ўйинлар ўйнашга шунақангиз устаси фал-

ранг бўлиб кетди-ки...” каби таъкидларни кўп эшитаман. Эътибор берсак, булар компютер ёки интернетнинг имкониятларидан беҳабар ота-оналарнинг фикри бўлиб чиқади. Улар фақат ўйин ўйнашни пухта билиш компютерни билиш дегани эмаслигини тушунмайдилар.

Мен бир аёлни биламан. Эрталаб ишга кетишдан олдин беш ёшли ўғлини уйи яқинидаги интернет-кафега ўтқизиб кетади. Албатта, оператор йигит қўлига боласи учун егуликка ва ўйинга пул бериб кетишни унутмайди. Оператор она ишдан қайтгунча болага “энагалик” қилади. Бир қараганда бунинг ҳеч ёмон жойи йўқдек: бола кўчада қолгани йўқ, бунинг устига ишончли қўлда. Аммо бунинг моҳиятига чуқурроқ кириб борсак, кўглаб салбий жиҳатлари намоён бўла бошлайди. Биринчидан, бола кечгача компютер қаршида ўтиришга мажбур. Бу — тез ўсиб келаётган ёш вужуд учун нақадар зиёнлигини шифокор бўлмаган киши ҳам яхши билади. Иккинчидан, ўйинлар асосан жангари жанрда. Кўглаб ривожланган манлакатлар мутахассислари жангариликни тарғиб қилувчи ўйинлар болалардаги некинбин ҳиссиётларни ўлдириб, совуққонлик, бағритошлик каби салбий феъл-атвори юзга чиқараётганини ҳақида бонг урмоқдаки, бунга ҳар қандай ақли расо ота-она кўшилса керак. Учинчидан, бундай кафеларда гарчи гайриахлоқий сайтларга кириш учун жарима (жазо эмас!) солиш ҳақидаги огоҳлантириш бўлса-да, баъзилар бемалол бундай сайтларда “сайр” қилади. Енидаги амакиси кўриб ўтирган бундай сайтга бирда бўлмаса бирда болакайнинг кўзи тушиши, табиий. Бу эса...

Хўш, нима қилиш керак?!

Тараққийётни тўхтатиб бўлмайди, ўз навбатида, ундан ортда қолиб ҳам. Фақат ўша тараққийёт маҳсулидан қандай фойдаланишни билмоқ керак. Айтмоқчи бўлганим, интернетга тобелик гўё қарта ўйинига муқкасида кетишдек бир гап. Агар ютсангиз роҳатланасиз, ютқазсангиз ютишга ҳаракат қилиб ўйиндан давом эттирасиз... сиз учун қанча вақтингиз зое кетгани аҳамиятсиз. Лекин айнан ўша БАҚТ ҳамма нарсани ҳал қилади: агар ўйинлар орқали компютерга дўст тутинган фарзандимизни ўйин ўйнашни тақиқламаган ҳолда тўғри йўлга йўналтира олсак, фақат манфаат кўраемиз. Чунки, тақиқ билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди – интернет-кафелар сони кўпайишга давом этаверади, онлайн ўйинларининг тури кўпаяверади. Энг мақбул йўл фарзандимизга қатъий кун тартибини белгилаб берсак – маълум соат ўйин ўйнаса, маълум соат бирор матни бехато терини, мавжуд дастурлар орқали расм чиқишни машқ қилса... қараб-сизки, вақт ўтган сари у ўзи бошқа имкониятларни кашф этиб боради. Ёки ҳар кун интернет-кафелар учун берадиган пўлимизни бирор ўқув марказига тўласак, фарзандимиз у ерда нафақат компютердан сабоқ олади, балки хорийий тиларни ҳам ўрганади.

Яна бир мулоҳаза: қанийди, барча интернет-кафелару клубларда компютердан сабоқ бериш ҳам йўлга қўйилса. Ўша жойда ишлайдиганлар болаларга билимини оширишга мўлжалланган сайтлар ҳақида маълумотлар берса, бундай сайтларни қандай қидириш тартибини ўргатсалар. Бундан ташқари, интернет-кафеларда бақириб-чақиритилар, сўкиниб гапиришлар, сигарет чекишлар қатъий ман қилинса. Бир сўз билан айтганда, НАЗОРАТ ўрнатилса.

Сумонжон ЙҮЛДОШЕВ, “Xabar” мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур масалада ҳаммининг қарашини, фикрини ҳар хил. Шу боис, фикрингиз бўлса, сиз билан бажонидил ўртоқлашамиз, азиялар! Мунозара давом этади.



Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

МОЛОДЕЖЬ — ДЕТЯМ

По инициативе Молодежного крыла Русского культурного центра г. Ташкента была проведена благотворительная акция, в которой приняли участие студенты 4-курса факультета "Экономики и управления" Ташкентского университета информационных технологий.

Студенты собрали игрушки, краски, карандаши, одежду для детей вспомогательной школы-интерната №103 Хамзинского района г. Ташкента. Это было сделано заранее и что самое ценное — студенты очень живо откликнулись на эту инициативу. Думаем, что эта акция была очень полезна для обеих сторон, ведь мы увидели искреннюю радость от нашего посещения на лицах детей. Заместитель директора школы-интерната Плак Валентина Ильична провела с нами целую экскурсию, показала, где и как живут дети, рассказала о насущных проблемах и заботах. Судя по впечатлениям студентов, думаем, что мы установили долгосрочное шефство, которое будет выражаться не только в оказании такого вида помощи детям, а также в проведении с ними различного вида волонтерской работы.

Вот что говорит участница этой акции Сабина Нуритдинова:

— Мир ни без добрых людей... так говорят люди, когда слышат слово «благотворительность». Творить благо, уметь услышать и протянуть руку помощи тем людям, которые в этом нуждаются, т.е. быть милосердным...

Мы, студенты провели акцию «Помощь детям» школы-интерната для детей из неблаго-

получных семей и детей с умственными отклонениями.

Встретила нас заместитель директора этого интерната и рассказала нам о жизни детей этого интерната, об их проблемах и трудностях, с которыми они сталкиваются каждый день. Здесь живут дети, которые при живых родителях... сироты. Дети с грустными глазами для которых этот интернат — дом. Стоит отметить, что они делают замечательные поделки, рисуют. Девочки красиво вышивают. Всё даётся этим детям не легко. Поэтому, чтобы порадовать и оказать им помощь, которая им так необходима, мы и организовали эту акцию. Пусть это только малая часть того, что мы можем для них сделать сегодня, но очень надеемся, что многие люди откликнутся и не останутся равнодушными к детям, которым нужна помощь и внимание.

Можно считать, что впечатления студентов и есть самое ценное в этой акции, ведь они поняли, что эти помощь очень нужна. Они ощутили себя нужными и взрослыми и возможно это заставит многих из них по-другому посмотреть на себя и окружающих и понять главное — нельзя быть равнодушным.

Людмила ЯКОВЕНКО,
ст. преп. кафедры
ТПСДО ТУИТ



Журнал InfoCOM.UZ при поддержке Узбекского агентства связи и информатизации объявляет о проведении первого весеннего чемпионата Узбекистана по компьютерным играм UCG 2008 Spring, посвященного Году молодежи.

Uzbekistan Cyber Games 2008 Spring

По инициативе Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова 2008 год объявлен Годом молодежи. В целях популяризации информационных технологий среди молодежи и дальнейшего развития компьютерного спорта в нашей стране, в период весенних школьных каникул и в дни праздника Навруз в г. Ташкенте будет впервые проходить весенний чемпионат Узбекистана по компьютерным играм: Uzbekistan Cyber Games 2008 Spring. Данный чемпионат проводится по инициативе Узбекского агентства связи и информатизации. Организатор чемпионата — журнал InfoCOM.UZ, информационная поддержка проекта — портал www.esport.uz.

Чемпионат будет проходить с 28 по 30 марта.

Официальные игры UCG 2008 Spring:

- WarCraft® III::Frozen Throne
- StarCraft®: Brood War™
- FIFA Soccer 08
- Half-Life™: Counter-Strike 1.6 – командная игра 5x5
- Need for Speed™ Pro Street
- Quake III: Arena
- Dota All Stars - командная игра 5x5

Участие в турнире БЕСПЛАТНОЕ. Возрастных ограничений НЕТ.

Регистрация участников проводится с 10 по 26 марта в клубе INFINITY. Иногородние участники могут регистрироваться по e-mail: editor@infocom.uz.

Для регистрации иногородних участников необходимо указать: фамилию, имя, ник, адрес, телефон и игру. Организаторы не оплачивают проезд в Ташкент и питание иногородних участников.

Награждение победителей будет проводиться в торжественной обстановке во время церемонии награждения 31 марта 2008 года.

Все вопросы, связанные с проведением турнира, обсуждаются на форуме игрового портала www.esport.uz. Предложения, замечания и пожелания можно присылать в оргкомитет турнира по адресу editor@infocom.uz.


Организаторы имеют право вносить изменения в порядок проведения турнира. Правила проведения турниров по отдельным играм будут опубликованы на сайтах www.esport.uz и www.infocom.uz.

Новости в сфере ИКТ

SONY ИНВЕСТИРУЕТ \$925 МЛН В НОВЫЙ ЗАВОД SHARP

Японское издание Nikkei business daily сообщило о том, что корпорация Sony собирается инвестировать более \$925 млн в строительство самого большого завода в мире по производству ЖК-панелей. Представители корпорации Sharp, которая уже вложила в строительство \$3.5 млрд, чьей инициативой, кстати, и является создание данного завода, комментировать эту новость, равно, как и представители Sony, пока отказались. Sharp строит эти производственные мощности в городе Сакаи, Западная Япония, и планирует окончание строительства и запуск производства в марте 2010 года.

Постоянно растущий спрос на ЖК-панели и телевизоры к концу 2007 года привел к тому, что поставщики столкнулись с острой нехваткой производственных мощностей и стали формировать различные альянсы для совместных взаимовыгодных форсированных производств этого типа продукции. Два производителя ЖК-панелей, бренды которых являются далеко не последними в мире, начинают объединяться, по всей видимости, для завоевания рынка.



ЯПОНЦЫ ПРИДУМАЛИ КОМПЬЮТЕРНУЮ МЫШЬ-ПЫЛЕСОС

Японский дизайнер всяческих технических приспособлений Танко (Thanko) сконструировал мышь, которая сочетает в себе функции как манипулятора, так и пылесоса. Изобретение было названо не ригиально: Thanko mouse.

По внешнему виду, кстати, мышь и напсминает пылесос. Пользователь, перемещая ее по поверхности стола, коврика и т.п., параллельно очищает эту поверхность от пыли, кусочков ногтей, остатков обеда и прочей мишуры. Функцию, разумеется, можно отключить. Мусор помещается в маленький контейнер, который достается и очищается, как в настоящем пылесосе. Чувствительность мыши 800 dpi, питание поступает через разъем USB. Стоит это безобразие недорого — \$30



НА ЛУНЕ ПОЯВИТСЯ СОТОВАЯ СВЯЗЬ


Американское космическое агентство NASA и британский национальный космический центр (BNSC) попытаются развернуть на Луне сеть сотовой связи. NASA планирует построить базу на южном полюсе Луны после 2020 года. Обитатели базы смогут использовать сотовые телефоны точно так же, как и на Земле. Кроме того, с Луны можно будет позвонить абоненту на Земле. Сигнал будет передаваться одним-двумя спутниками, находящимися на лунной орбите. С лунного телефона можно будет скачивать данные со скоростью 3 килобита в секунду и закачивать со скоростью 2 килобита в секунду.



АФОРИЗМ

Любому человеку будет вред,
Когда в еде умеренности нет.

Алишер НАВОЙ



Хабарлар + TV

ЎЗБЕКИСТОН

Хурматли телеомошбинлар!
Профилактика муносабати билан
душанба, 3 март кун
«O'zbekiston» телерадиоканали
ўз кўрсатувлари соат

14.55 дан бошлайди.

- 14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Ташкилот».
15.50 «Мен бир рингист».
15.55 «Жалолiddин Хоразмишох». Теле-спектакль.
16.25 «Бар кун».
16.50 «Юртим бўйлаб» дастури «Бахор лавондари».
17.00 «Аборт».
17.15 «Отин мерос».
17.20 «Ўзбекистон айл».
«Болалар сайраси»:
17.40 «Эртанлар – шашликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адолатингиз».
18.00 «Аён ҳақида сўз».
18.05 «Турмуш чоррағаларида» Т/с.
18.50 «Муқаддас қадимлар».
19.15 «Охиёргар оғушқач».
19.25 19.55 20.55 21.30 Эълонлар.
19.30 «Аборт» /рус/.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Анақ вагон» Т/с.
20.50 «Мен бир рингист».
21.00 «Аборт».
21.35 «Парламент вақти».
21.55 «Сўнги қиролча» Т/с.
23.15 «Ҳақиқат» /SMS/.
23.50-24.00 Туғли наволар.
«Uzbekistan»
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Жалолiddин Хоразмишох». Теле-спектакль.
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури «Бойқом».
00.55 «Отин мерос».
01.00 «Аборт» /рус/.
01.30 «Бешар майдон».
02.30 «Батангариер».
03.20 «Тарангум».
04.00 «Аборт».
04.30 Эзон албоқ.
04.35 «Отин мерос».
04.45 «Мен бир рингист».
04.50 «Турмуш чоррағаларида» Т/с.
05.35-05.55 Тугли наволар.



- 6.55 «Ажадлар садори».
7.00 «Кўкам эртани» Б/ф.
7.55 «Ассалом, бахор».
8.00 «Бешар майдон».
9.00 «Длар». Хайра нури.
9.30 «Қорондиз». М/ф.
11.00 «Эвэрест».
11.40 «Кўкам наволари».
12.00 «Чашма». Б/ф.
13.10 «Бешар ила сайхат».
14.00 «Рўзор мактаби».
14.30 «Уйр бағрон».
14.50 «Алға ташлама».
15.00 «Бешар майдон».
16.00 «Длар».
16.10 «Гул ифори». Т/с.
17.00 «Дарвин боласи».
17.10 «Болалар табосуми».
17.30 «Бешар ва ташлама».
17.35 «Мен бир ослани гаровни».
17.55 «Сна».
18.00 «SMS-музыка».
18.15 «Аёл қалиби» Т/с.
18.50 «ЎЗЕХ хабарлари».
18.55 «Йельма».
19.00 «Длар».
19.30 «Анақ». Т/с.

ДУШАНБА — 3 МАРТ

- 20.20 «ЎЗЕХ хабарлари».
20.30 «Кўкам наволари».
20.50 «Қанингиз оиласи».
21.00 «Жўмон». Т/с.
21.15 «Йельма».
22.00 «Длар».
22.30 «Автогул».
22.50 «Ялт-мамот» Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

СЕНТРАЛ

- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифилм: «Спирит-Симоррон сти». 3-қисм.
18.10 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласиқомат»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Қамела» Т/с.
19.20 «ТВ юрест»
19.25 «Музыка SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.15 «ТВ юрест» /рус/.
20.20 «Милларос». Т/с. /рус/.
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жўзона»
21.30 «Пойтахт»
21.45 «Уйларим»
22.10 «Дуғанга». 1-қисм.
22.30 «Пойтахт» /рус/.
22.45 «Кино SMS оқ завадани»
22.50-00.35 Кино: «Шар вперёд».

SPORT

- 7.00 «Бордур уроқ».
8.00 «Талон».
8.30 «Детектив».
9.00 «Версия».
9.30 «Малухов +».
10.30 Сернал «Ташини дин».
11.15 «Мониторинг».
11.35 Эрон Курш. Ўзбекистон чемпиони.
12.15-13.05 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. «Жизилкум» - «Машал».
18.00 «Полонкоки».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар (рус тилида)»
18.50 «Мушкетер тайм».
19.10 «Ким нимага қодир?»
19.25 «Футбол шарни».
19.50 «Спортлото».
20.00 Баскетбол. Еврוליга. Муженин. «Уникахо» (Испания) - ЦСКА (Россия)
20.40 «Богойча». Сернал.
21.30 «Хабарлар (раб. тилида)»
21.50 «ЖИД МЕНЯ».
22.40 ЕВРОФУТБОЛ. ИСПАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «АТЛЕТИКО» - «БАРСЕЛОНА».
00.15 «Туғлини оуда бўлинг».

БИРИНЧИ

- 5.00 9.05 Тележахан «Доброое уроқ»
9.00 12.00 15.00 Новости
9.30 «Малухов +»
10.30 «Контрольная закупка»
11.00 «Юзюкча соли». Сернал
12.15 «Модный притвор»
13.20 «Детектив»
14.00 Друзие новости
14.20 «Понят Простыя»
15.15 «Жизнь в три оборота»
16.00 «Сложные люди». Сернал
16.50 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 «Жид мена»

- 19.10 «След»
19.55 «Принцесса цирка». Сернал
21.00 Время
21.30 «И все-таки я люблю...» Сернал
22.30 «Основной инстинкт»
23.30 Проект «Диктографка Америка»
0.20 Ночные новости
0.40 «Приказ в моем генах»
1.30 Х/ф. «Танка при полной луне»

РОССИЯ

- 5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.55 «Время Миссифа». 205 лет на службе Отечеству».
9.20 Х/ф. «Валентин и Валентина»
11.00 14.00 17.00 20.00 23.50 «ВЕСТИ»
11.25 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11.45 Сернал «Частный детектив»
12.40 «Хожение по мукам». Х/ф
14.20 17.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14.40 Т/с. «Минеха».
15.35 «Суд кукурузы»
16.30 «Кухня и партнер»
17.50 ВЕСТИ. ДУШАННАЯ ЧАСТЬ
18.05 «Женщина без прошлого». Т/с.
19.00 «Родные люди». Т/с.
20.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с. «Всегда говори всегда»
22.55 «Документ по стране»
0.10 «Честный детектив»
0.40 «Синемания»
1.05 «Дорожный патруль»
1.25 Х/ф «Одноклассик звезда»

HTB

- 6.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.00 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
10.00 13.00 16.00 19.00 22.40 «СЕГОДНЯ»
10.25 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОДСУНОК»
09.00 «Четыре свадьбы, одни
похороны» Х/ф.
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.30 Марказ NEWS (рус)
15.30 «Баби хитс»
16.00 Мультифилм

17.00 «Премьера» (узб)
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 85-серия
19.00 Марказ NEWS (рус)
21.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 85-серия
22.00 «ПЛАН ИГРЫ» Х/ф.
00.10 Миксер

Чоршанба

07.00 07.35 11.10 12.05 14.30
17.30 18.05 20.00 Ўзбек наволари
07.30 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 85-серия
08.30 Марказ NEWS (рус)
08.35 13.05 14.00 17.00 Мировий
хити
09.00 «План игры» Х/ф.
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Премьера» (рус)
15.30 «Баби хитс»
16.00 Мультифилм
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 86-серия
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.05 Мировий хити
21.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 86-серия
22.00 «СОБОР ПАРИЖСКОЙ
БОГОМАТЕРИ» Х/ф.
00.20 Миксер

Пайшанба

07.00 07.35 08.35 13.05 14.30
17.00 18.05 20.00 Ўзбек наволари

07.30 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 86-серия
08.30 Марказ NEWS (рус)
09.00 «Собор Парижской
богоматери» Х/ф.
11.20 12.05 14.00 19.05 Мировий
хити
11.30 «Премьера» (узб)
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
15.30 «Баби хитс»
16.00 Мультифилм
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 87-серия
19.00 Марказ NEWS (рус)
21.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 87-серия
22.00 «АС РАСПЛАТЫ» Х/ф.
00.10 Миксер

Жума

07.00 07.35 11.10 12.05 14.00
17.30 18.05 20.00 Ўзбек наволари
07.30 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 87-серия
08.30 Марказ NEWS (рус)
08.35 13.05 19.05 Мировий хити
09.00 «Час расплаты» Х/ф.
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
15.30 «Баби хитс»
16.00 Мультифилм
17.00 «Премьера» (рус)
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 88-серия

19.00 Марказ NEWS (рус)
21.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 88-серия
22.00 «ВНУТРИ МОЕЙ ПАМЯТИ»
Х/ф
23.50 Миксер

Шанба

07.00 14.00 Ўзбек наволари
08.30 15.30 Мировий хити
09.30 «Баби хитс»
10.00 Мультифилм
12.00 Концерт
16.00 «ГУЗЛЛИК СИРИ» Б/ф.
18.00 «БАДИЙ КЕНГАШ»
байрам дастури
19.00 «Шанба оқшонида»
19.30 «Премьера» (рус)
20.00 «ФАКАТ СЕН УЧУН»
байрам дастури.
22.00 «ТУТИС» Х/ф.
00.10 Миксер

Якшанба

07.00 13.00 19.30 20.30 Ўзбек
наволари
08.00 12.00 Мировий хити
09.00 «Шанба оқшонида»
09.30 «Баби хитс»
10.00 Мультифилм
14.30 Серилал «Жасига ўқашини
йўк» 88-89 серилар
17.00 Концерт
19.00 «Садыйи дини»
20.00 «Премьера» (узб)
22.00 «ЗВЕЗДНАЯ ПЫЛЬ» Х/ф.
00.25 Миксер

RTR SPORT

Душанба

06.50 Баскетбол. ЧР. Муҳимни
08.45 11.00 15.00 18.40 23.20 03.30
«Вэсти-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Три тописта», «Лягушка-
пухлякостявица»
10.15 «Рождествене победител»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Вэсти-спорт. Местное время»
11.15 Дневник 1 зимней Спартакиады
молодежи России
11.20 Гимнастика. Гран-При
13.10 «Первому тренеру посвящается»
13.15 Баскетбол. Кубок мира. Гонка
преследования. Муҳимни
00.30 «Нереди спорта»
01.35 Баскетбол. Кубок мира. Женщины.
02.25 Автопортрет: «Мн по радии», «Ралии
Мексико»
03.45 Регби. Кубок Европейской Наций.
Россия - Португалия

Сешанба

06.35 Гандбол. ЛТ. Женщины
08.00 «Легенды спорта». Отличнейший
хоккей. Рекорды и достижения.
08.45 11.00 15.00 18.40 23.20 «Вэсти-
спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Доктор Айболит»
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
10.15 Т/с «Своя команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 15.10 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.
11.15 Футбол. Россия
12.05 17.05 «Наша спорти»
13.05 «Рыбалка с Радзиевским»
12.20 Баскетбол. Кубок мира.
13.15 ПБ. Катание Брок (США) - Ральф
Уэст (США)
16.30 06.05 «Сборная Россия».

Дзюболов Тедеев.
18.05 23.55 «Скоростной участок»
18.35 Хоккей. ЧР. 1/8 финала. Прямая
трансляция.
21.10 Волейбол. ЛТ. Муҳимни. 1/4
финала. «Динамо-ТТ» (Казань,
Россия) - «Канс» (Франция)
23.40 «Рыбалка с Радзиевским»
00.30 Футбол. ЛТ. 1/8 финала. «Милан»
(Италия) - «Арсенал» (Великобритания)
02.45 Футбол. ЛТ. 1/8 финала.
«Манчестер Юнайтед» (Великобритания)
- «Лис» (Франция)
04.50 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.

Чоршанба

06.40 Хоккей. ЧР. 1/8 финала.
08.45 11.00 15.00 18.40 23.15 «Вэсти-
спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Доктор Айболит»
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
10.15 Т/с «Своя команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 15.15 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.
11.20 «Скоростной участок»
11.50 23.35 04.50 Футбол. Обзор ЛТ.
13.00 Футбол. ЛТ. 1/8 финала.
15.20 Футбол. ЛТ. 1/8 финала.
17.35 05.50 «Легенды спорта»
Отличнейший хоккей. Рекорды и
достижения.
18.10 «Путь Дракона»
18.55 21.10 Хоккей. ЧР. 1/8 финала.
00.30 Футбол. ЛТ. 1/8 финала. «Реал»
(Мадрид, Испания) - «Рома» (Италия)
02.45 Футбол. ЛТ. 1/8 финала.

Пайшанба

06.40 Хоккей. ЧР. 1/8 финала.
08.45 11.00 13.55 18.30 23.25 02.15
«Вэсти-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Доктор Айболит»
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
10.15 Т/с «Своя команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 14.05 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.

11.20 «Путь Дракона»
11.50 22.25 Футбол. Обзор Лиги
чемпионов.
12.45 16.00 21.15 04.25 Косынобайский
спорт. «Мн на отдаленных дистанциях»
14.18 Баскетбол. Кубок мира. Спринт.
Муҳимни.
16.50 Баскетбол. Кубок мира. Спринт.
Женщины.
18.45 23.45 «Точка отрыва»
19.10 Футбол. ЛТ. 1/8 финала. «Реал»
(Мадрид, Испания) - «Рома» (Италия).
00.23 Баскетбол. Евролига. Муҳимни.
«Лотоматика» (Италия) - ЦСКА
(Россия)
02.25 Футбол. Кубок УЕФА. 1/8
финала

Жума

06.50 Баскетбол. Европа. Муҳимни.
«Лотоматика» (Италия) - ЦСКА
(Россия)
06.45 11.00 15.15 19.10 00.55 04.20
«Вэсти-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф «Доктор Айболит»
09.35 М/с «Что нового, Скуби-Ду?»
10.15 Т/с «Своя команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 15.25 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.
11.20 «Точка отрыва»
11.50 19.20 Косынобайский спорт.
13.55 15.35 Легкая атлетика. «Мн в
закрытых помещениях»
15.55 04.30 Хоккей. ЧР. 1/8 финала.
20.55 Легкая атлетика. «Мн в закрытых
помещениях»
01.15 «Вэсти-спорт. Местное время»
01.20 ПБ. Деметриус Хоппен (США) -
Стив Фермуса (США)
02.25 Баскетбол. Кубок мира. Масс-старт.
Муҳимни
06.55 Футбол. ЛТ. 1/8 финала
09.00 11.00 14.55 18.40 00.45 03.05
«Вэсти-спорт»

Шанба

06.55 Футбол. ЛТ. 1/8 финала
09.00 11.00 14.55 18.40 00.45 03.05
«Вэсти-спорт»

09.10 Баскетбол. ЧР. Муҳимни.
11.00 1.05 «Вэсти-спорт. Местное
время»
11.15 15.05 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.
11.25 «Легенды спорта»
11.55 ПБ. Деметриус Хоппен (США) -
Стив Фермуса (США)
13.05 18.10 Косынобайский спорт. «Мн на
отдаленных дистанциях»
15.15 Баскетбол. Кубок мира.
17.20 Баскетбол. Кубок мира.
18.18 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
18.55 Хоккей. ЧР. 1/8 финала.
21.10 Легкая атлетика. «Мн в закрытых
помещениях»
01.10 Волейбол. ЧР. Муҳимни.
03.15 Регби. «Кубок шести наций».
Уэльс - Уэльс
05.10 Баскетбол. Кубок мира. Гонка
преследования.

Якшанба

06.55 Футбол. ЛТ. 1/8 финала.
09.00 11.00 14.25 18.25 23.15 02.25
«Вэсти-спорт»
09.15 Гандбол. ЛТ. Муҳимни.
11.10 23.35 «Вэсти-спорт. Местное
время»
11.15 «Страна спринт»
11.45 14.35 Дневник 1 зимней
Спартакиады молодежи России.
11.55 Регби. «Кубок шести наций».
Шотландия - Англия
13.50 «Сборная Россия». М. Коробов.
14.45 Баскетбол. Кубок мира. Масс-старт.
Муҳимни.
15.50 17.50 23.40 04.40 Косынобайский
спорт. «Мн на отдаленных дистанциях»
16.50 Баскетбол. Кубок мира. Масс-старт.
Женщины.
18.40 05.20 Гандбол. ЛТ. Женщины
23.10 Легкая атлетика. «Мн в закрытых
помещениях»
00.25 Футбол. Чемпионат Италия.
«Джанова» - «Ювентус»
02.35 Баскетбол. Кубок мира. Масс-старт.

Меню ва асбоблар панели томонидан такдим этилаётган амалларни танлаш кетма-кетлиги:

- амал бажарилишини кўзда тутган объектни танлаш. Танланган объект, табиийки, ранг билан ажратилиб кўрсатилади.

Битта ҳам объект танланмаса амал бутун иш худуди устидан ёки умуман бажарилмаслиги мумкин.

- ишлатилажак асбобни танлаш лозим. Баъзи бир асбоблар соя остида акс этади, бу улардан айна дамда фойдаланиш мумкин эмаслигини билдиради. Уларни ишлатиш учун мисол учун бўлакни ажратиш (қирқиш, нусха олиш) ёки ҳужжатни сақлаб қўйиш зарур («копировать в файл»).

- кейинги буйруқни бажаришга ўтиш.
- paint билан ишлашни яқунлаш.
- файл менюсидан «Выход»ни танлаш.
- ойнанинг бошқарув тугмаси ёрдамида «Закреть» буйруғи берилади.

Агар сиз ўзгаришларни амалга ошириб, аммо сақланмаган ҳужжатни ёпишга ҳаракат қилсангиз, дастур сизга ўзгаришларни сақлаб қўйишни таклиф этади. Бунинг учун мулоқот ойнасида «Да» буйруғини бериш лозим. Агар ҳужжат олдин қаттиқ дискда сақланмаган бўлса, «Сохранить как?» буйруғида қандай амаллар бажарилган бўлса худди шундай бажарилиши керак.

Файл ва папкалар

Файл – маълум номга эга бир турдаги маълумотлардан иборат дискда жойлашган (винчестерда, дискетада, CD-дискда) элемент.

Ўз навбатида, бу файллар уларнинг қай бир дастур ёрдамида яратилганига қараб фарқланади. Дастур файл яратишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Windowsда файллар уларнинг қўлланилиши ва номига қараб расмчалар (иконка) кўринишида бўлади.

Папка – файл, бошқа папкалар ва ёрликлардан иборат Windows объекти бўлиб, дискдаги маълумотларни тартиблаш учун ишлатилади. Папкаларнинг яна бир қулайлиги бу папка устидан қўлланилган амал унинг ичидаги файлларга ҳам таъсир этади, яъни папка ўчириб ташланса, унинг ичидагилар ҳам ўчиб кетади. Папкалар файллардан фарқли равишда турларга ажратилмайди, лекин ўз номига эга бўлади.

Давоми бор.

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Хурматли ўқувчилар!

Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб кўплаб таклифларга асосан Ёш дастурчиларни кўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда тайёрланган компьютер машғулотларини бериб борамиз. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламиз.

3. Сохранить (сақлаш) — ҳужжатда (файлда, расмда)ги ўзгаришларни сақлаш имконини беради.

4. Сохранить как — ҳужжатни янги исм ёки жойда сақлашни таъминлайди. Бунинг учун «Файл» менюсидан «Сохранить как» бандини топиш зарур. Пайдо бўлган ойнадан файл сақланажак папкани танлаш ва файлни номлаш зарур, сўнгра «Сохранить» буйруғини беришимиз кифоя. Бу эса сарлавҳалар қаторида янги файл номини акс эттиради.

5. Предварительный просмотр (олдидан кўриб чиқиш) — расмни принтердан чиқариладиган кўринишини олдиндан кўриш имконини беради.

6. Параметры страницы (саҳифа хусусиятлари) — ҳужжат худудини танлаш, қоғоз ҳажмини ва унинг жойлашувини (китобли, альбомли) ўзгартириш имконини беради.

7. Печать (чоп этиш) — расмни чоп этишга узатади.

8. Отправить (юбориш) — расмни почта дастури орқали юбориш имконини беради.

9. Выход (чиқиш) — дастурни ёпади.

Правка менюси куйидагилардан иборат:

1. Отменить (бекор қилиш) — охириги бажарилган амални бекор қилади.

2. Повторить (такрорлаш) — олдин бекор қилинган амални қайтаради.

3. Вырезать (қирқиш) — ажратилган бўлакни қирқади ва уни алмашинув буферига жойлайди.

4. Копировать (нусха олиш) — ажратилган бўлақдан нусха олади ва уни алмашинув буферига жойлайди.

5. Вставить (жойлаш) — алмашинув буферидан қирқилган ёки нусхаланган бўлакни ҳужжатга жойлаштиради.

6. Удалить (ўчириш) — ажратилган бўлакни ўчиради.

7. Выделить все (ҳаммасини ажратиш) — бутун ҳужжатни ажратади. Вид менюси — ишчи худуд ва бошқа элементлар акс эттирилишини бошқариш учун қўлланиладиган буйруқлардан иборат. Рисунок (расм) менюси — жорий расмнинг ташқи кўринишини бошқариш имконини беради.

Палитра менюси — ранглар жилосини алмаштириш имконини беради.

Справка (маълумот) менюси — фойдали маълумотлар олиш имконини беради.

● **Принтер** — маълумотни қоғозга чиқаришни таъминловчи қурилма.

● **Сканер** — маълумотлар (фото, матн, расмлар)ни компютерга киритади.

Амалиёт тизими

Амалиёт тизими (АТ) — дастурлар мажмуаси бўлиб, улар компютернинг асосий воситаларини, компютер юклатилган вазифани бажаришда фойдаланувчи дастур ва маълумотларнинг ишлашини таъминлайди.

Ҳозирда бир қанча АТлар мавжуд бўлиб, улардан энг кенг тарқалганлари — бу Windows Unix(Linux) АТлар ҳисобланади. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири ўзига яраша афзалик ва камчиликларига эга.

Windows билан ишлаш

Компютер ёқилиб, АТ юклангандан сўнг сиздан парол ва фойдаланувчи исмини киритиш сўралади. Керакли парол ва исмини киритиб, ОКни танланг. Созланиш хусусиятларига қараб компютер тизими сиздан мавжуд фойдаланувчилар ичидан фойдаланувчи исмини танлашни сўраши ёки умуман парол ва исмини киритмасдан ҳам юкланиши мумкин.

АТ юклангандан сўнг иш столи ва вазифалар панели намоён бўлади.

Иш столи — бу экраннинг маълум стандарт элементлардан «Мой компютер», «Корзина», «Мои документы» ва бошқа турли файл ва папка ёрлик (ярлык)ларидан иборат қисми.

Вазифалар панели — тўғри тўртбурчак панел бўлиб, у экраннинг энг қуйи қисмида жойлашган. Унда:

● **Пуск менюси** — дастурларга, маълумотларга ва бошқа объектларга тезкор мувожаатни таъминловчи менюнинг асосий бандларидан иборат.

● **Тезкор юклатиш панели** — дастурларнинг юкланиш жараёнини соддалаштиради.

● **Ойналар кўринишини бошқариш панели** — айна дамда ишлатилаётган дастур, ойна ва маълумотлар тугмаларини ўзида акс эттирган вазифалар панели худуди.

КОМПЮТЕР БИЛАН ТАНИШУВ

Компьютер қурилмалари

Персонал компьютер (ПК) уч асосий қисмдан иборат. Булар — тизим блоки, монитор ва клавиатура.

Тизим блоки — у компьютер ишлашни таъминловчи асосий восита ва қурилмаларни жойлаштириш асосини ташкил этади. Булар:

- **Асосий плата** — компьютернинг асосий платаси бўлиб, ёрдамчи қурилмаларнинг ўзаро узвийликда ишлашни таъминлайди.
- **Микропроцессор** — микросхема, математик ҳисобларни амалга оширади.
- **Оператив хотира (ОХ)** — энергияга боғлиқ хотира бўлиб, маълумотларга тезкор муурожаат этишни таъминлайди.
- **Қаттиқ диск** (винчестер) — маълумотларни сақлаш ва улар билан ишловчи қурилма.
- **Видеокарта** — график маълумотларни экранга чиқаришни таъминловчи плата.
- **Овоз картаси** — мусиқа ва товушларнинг жаранглашини таъминлайди.
- **Дискковод** — 1.44 Мб сизимли 3.5 ҳажмдаги ва дискеталар билан ишловчи қурилма.
- **CD-ROM** — компакт дискларни ишлатиш учун қўлланилади.

Тизим блоки ташқи панелида дискковод ва CD-ROM учун махсус чиқиш жойлари, компьютер ишлашни акс эттирувчи индикаторлар, шунингдек, POWER (ўчириб-ёқиш) ва RESET (мажбурий қайта ўчирилиб-ёқилиш, юклаш) тугмалари мавжуд.

Монитор — график, матли ва бошқа маълумотларни экранга чиқариш воситаси.

Клавиатура — компьютерга маълумот киритиш қурилмаси.

Сичқонча — манипулятор, Windows билан ишлашни осонлаштиради.

Санаб ўтилганлардан ташқари яна бир қатор мажбурий бўлмаган қурилмалар мавжуд бўлиб, улар компьютер ишлашига таъсир этмаса-да, у билан ишлашни осонлаштиради. Шунингдек, чоп этиш ва шунга ўхшаш қўшимча бошқа амалларни бажаришга хизмат қилади. Булар:

2

Эътибор беринг, у ёки бу меню танлангандан сўнг шу банд бажарадиган амаллар қатори берилади.

Чиқиш панели куйидагилардан иборат:



1. Ихтиёрий ажратиб кўрсатиш — ихтиёрий ажратиб кўрсатилиш худудини белгилашда ишлатилади.

2. Ҳирғич — расм ва объектларни ўчириш учун ишлатилади.

3. Пипетка — кейинчалик шу расм учун ишлатилиши керак бўлган рангнинг нусхасини олади.

4. Қалам — бир нуқта кенглигида ихтиёрий чизиқ чизади.

5. Сочғич (распылитель) — рангни расмга бир маромда сочиш имконини беради.

6. Тўғри чизиқ — тўғри чизиқ чизади.

7. Тўғри тўртбурчак — тўртбурчак, квадрат чиқиш имконини беради (CTRL тугмаси ёрдамида)

8. Эллипс — эллипс ёки айлана чиқиш имконини беради (CTRL тугмаси ёрдамида)

9. Тўғри бурчакли ажратиш — расмда тўғри бурчакли худудни ажратиш учун ишлатилади.

10. Заливка (бир ранг билан қоплаш) — объектларни ранг билан қоплайди.

11. Лупа — масштаблаш, расмни катталаштириш ёки кичиратириш.

12. Мўйқалам — ихтиёрий ҳажмдаги ва кўринишдаги чиқиқларни чиқиш.

13. Матн — расмга матн киритиш.

14. Эгри чизиқ — эгри чизиқ чиқиш учун ишлатилади. Аввал тўғри чизиқ пайдо бўлиб, уни кейинчалик эгрига айлантириш имконини беради.

15. Кўпбурчак — кўпбурчаклар яратишда ишлатилади.

16. Қирралари айланасимон тўғри тўртбурчак — қирралари айланасимон тўғри тўртбурчак ёки тўртбурчак чиқиш учун ишлатилади.

7

● **АТ фонли тартибида ишлатилаётган дастурлар ёрлиқлари:**

- **Тил индикатори.**
- **Вақт индикатори**
- **Кўшимча вазифалар панели.**

АТ ва дастурлар ишини бошқариш бевосита сичқонча орқали амалга оширилади. Сичқонча чап тугмасининг босилиши курсор турган объектнинг ажратилишига олиб келади. Чап тугмани тезкор икки бор босилиши — дастурни юклатиш ёки папканинг очилишини таъминлайди. Унг тугмани босинг, бу контекст меню (КМ) пайдо бўлишини таъминлайди.

Ойналар — Windows АТ интерфейсининг фарқли хусусиятидир. Ойналарда барча дастурлар ишлайди. Файлли ёки бошқа папқалари мавжуд папқаларнинг очилиши ҳам ойналар кўринишида бўлади.

Стандарт интерфейс ойнаси

- **Сарлавҳа** — қатор, ўзида ойна (дастур) номини ва ойна билан ишлаш тугмаларини акс эттиради.
- **Қатор меню** — ойна билан ишлаш барча буйруқлари ва элементлари, буларга хусусиятлари бўйича ажратилган "Файл" "Правка" ва бошқа бандлар киради.
- **Асбоблар панели** (Панел инструментов) — менюга ўхшаш, фақат унда барча буйруқ ва амаллар расмларда акс эттирилган (фойдаланувчига қулайлик учун).
- **Ойна билан ишлаш тугмалари:**

☑ **Яшириш** — ойнани вазифалар панелига яширади. Ойнани ўз холига қайтариш учун вазифалар панелидаги унинг тўғри тўртбурчакли кўринишига сичқончанинг чап тугмаси билан муурожаат этилса кифоя.

☑ **Ёйиш** — ойнага экран катталигидаги кўринишни беради. Бу тартибда ёйилиш тугмаси қайта тикланиш тугмасига алмашади уни босиш эса ойнани асл холига яна қайтаради.

☑ **Ёйиш** — ойнани ёпади (дастур ишлашни тўхтатади). Жорий ҳолат қатори — ажратилган объект ҳақида маълумотни кўрсатади.

Ойна ёки дастур хусусиятидан келиб чиқиб, интерфейс қисман ўзгариши мумкин.

4



Paint график таҳрирловчиси

Нуқтали — графика билан ишловчи энг содда график дастурлардан биридир. Унинг ёрдамида содда расмларни ва графикани чиқиш мумкин. У Windows стандарт дастурлари қаторига киради ва барча шундай АТларда мавжуд.

Paintни ёқиш

"Пуск" менюсидан "Выбрать" — "Стандартные" — "Paint"ни танлаш

Дастур юклангандан сўнгра ойна очилади. Бу ойна "папка" ойнасига ўхшаш бўлиб, кўпчилик бандлари бир хил ўхшаш вазифани ҳам бажаради. Шунингдек, Paintда бир қанча махсус элемент ва буйруқлар мавжуд бўлиб, уларга:

Файл менюси

Файл менюси Paint файллари билан ишловчи буйруқлардан иборат:

1. Создать (яратиш) — янги тоза ҳужжатни яратади, бундан олдинги ҳужжат автоматик яширилади.

2. Открыть (Очиш) — аввал сақланган расмларни очади. Бунинг учун сизнинг файлингиз сақланаётган папкани танлашингиз ва файлни ажратиб "Открыть" буйруғини беришингиз зарур.

5

AKS-SADO

Муомала гўзал бўлсин

Хурматли тахририят! Севимли газетамиз "Xabar"нинг 2008 йил 4-сонидagi Муборак Миркамолованинг "Хап, саломанга бўлмас..." мақоласида айни долзарб масала кўтарилган. Мақолани кўпчилиги бўлиб ўқидик. Таълим-тарбия ва муомала маданияти, маънавият ва қадрият ҳозирги кунда ҳар бир касб, ҳар бир соҳада кундалик заруриятга айланган.

Соҳада узоқ йиллар раҳбарлик қилаётган устозимиз И.Хамроқулловнинг бир гапи бор: "Ризқингиз учга бўлиб берил-

ди: 50 фоизи меҳнат билан, 25 фоизини дипломингиз билан, 25 фоизини муомалангиз билан топасиз", дейдилар доим. Муомала маданияти алоқа соҳасида ҳам сув ва ҳаводек зарур деб ҳисоблайман. Ишдаги муваффақиятни асосан ходимлар ҳал қилади. Шунинг учун, ўйлашимча, ҳар бир ходим ўз устида ишлаши, янгиликларга интилиши, касбига муносабатини ижобий томонга ўзгартириши керак. Катта-кичик раҳбарлар, айниқса, масъул ходимлар танқидни мақтовдан аъло кўриб, кичик вазифадаги ходимнинг қад-

қимматини самимий эътироф этиши, бошқалар хатосини бевосита эмас, билвосита кўрсатиб амалий ёрдам бериши, ўз обрўсини сақлаб қолиш учун имконият бериши, кичкина ютуқларни ҳам кўра билиши, рағбатлантиришга интилиши, ҳар қандай хатони тузатиш мумкинлигига таассурот туғдириши, вазифасини оғринмасдан, меҳр кўйиб бажонидил бажаришларига эришишлари керак.

Хошимжон ТОШМАТОВ,
Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими

Хижолатда қолмасин...

Ҳар қандай яхши муносабат, яхши оила узаро ишонч асосида барпо этилади. Ишонч йўқолган жойда меҳру муҳаббатга дарз кетади. Айнан шу жиҳатлар хонадонлардаги қайнона-келин муносабатларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ёшларимиз турмуш кургач, янги оиланинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида, рўзгордаги барча нарсалар менга тегишли, деб қарашлари табиий. "Xabar"нинг шу йил 8 феврал сонида чоп этилган "Келинимнинг кўли эгри" мақоласига келсак, авваламбор қайнона ўзбек одалига кўра, ота-онанинг уйига кетаётганда келинга бирор нарса бериб юбориши лозим эди. Эҳтимол, кўлига ҳеч бўлмас иккита нон бериб кузатишган келин ноўрин ҳаракатга йўл қўймаган бўлар эди. Лекин, бу — қайнона келинига ўзи илтифот кўрсатиб ул-бул нарса

бериб юбормаса, келинчака ўғрилиқ қилиш ҳуқуқи берилар экан-да, дегани эмас, албатта. Шундай экан, мактаб ва бошқа тарбия муассасаларида болаларни ёшлигидан бошлаб қингир ишларга қўл урмасликка ўргатиш, билим даргоҳларида тарбиявий соат дарсларини кўпайтириб, уларнинг мазмун-моҳиятига кўпроқ эътибор бериш лозим. Турли тadbир, маҳалла-кўй йиғинларида ёшларимизга оила аъзоларини оғохлантирмай, яширин равишда олинган энг арзимас матоҳ ҳам "ўғрилиқ" ҳисобланиши, бу ҳолат содир этилган жойда хайр-барака йўқолиши тўғрисида суҳбатлар ўтказилса, бундай салбий ҳолатларнинг олди олинишига ишонаман.

Дилором ҲОЖИЕВА,
"Бухоро Телеком" филиали ходими

Почтадан жўнатиш мумкинми?

— Ишдан бўшатишдан кейин меҳнат дафтарчасини почта орқали жўнатиш ёки уни бошқа бирор кимсadan бериб юбориш мумкинми?

О.РАҲМАТОВА
Тошкент вилояти

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Ишдан бўшаган ходимга меҳнат дафтарчасини почта орқали жўнатиш, бирор шахсдан бериб юбориш мумкин. Фақат бу ўша ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Мабодо ходим вафот этган бўлса, дафтарча унинг оила аъзоларига ёки яқин қариндошларига тилхат ёздириб олиш йўли билан топширилади ёки улар талабига кўра почта орқали жўнатилади.

Меҳнат дафтарчаси ходимдан ташқари унинг ишонч қозони орқали бошқа шахсга ҳам берилиши мумкин.

Бу тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг III бўлим, 3.3-бандида кўрсатиб ўтилган.

Дилшод УСМОНОВ,
хуқуқшунос

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми"нинг 48-бандига асосан "Сурхон электралоқа махсус таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиш шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001413 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 14 февралдан тилканди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат бож миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-сонли қарорига асосан:

"SHAMS" илмий маркази масъулияти чекланган жамиятнинг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001724 рақамли;

"Жартел Интернет" хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001822 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2008 йил 14 февралдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22

ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми"нинг 23-бандига асосан:

"ЭВЕРЕСТ МИЛЛЕНИУМ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Анджон шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002100 рақамли;

"SANI TELEKOM" унитар корхонасининг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002133 рақамли;

"DILMAX-BIZNES" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002156 рақамли;

"DILMAX-BIZNES" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002157 рақамли;

"SAYREKS SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002160 рақамли;

"TEKNICAL INDUSTRIAL SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002171 рақамли;

"INTELLEKT-ALOQA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002175 рақамли;

"INTELLEKT-ALOQA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002176 рақамли;

"Миржалол Мардон Хамро" масъулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002178 рақамли;

"QAMASHI NET SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002180 рақамли лицензиялар 2008 йил 14 февралдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми"нинг 49-бандига асосан:

"НОЈАТРАВОМ ОМАД" хусусий фирмасининг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли

0001055 рақамли;

"Седара-Сезам" хусусий корхонасининг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000763 рақамли;

"DJAMALOV I SINOVVA" хусусий фирмасининг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000837 рақамли;

"BISTRO PLYUS KOM" хусусий фирмасининг (Бухоро шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000836 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 14 февралдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми"нинг 43, 44-бандининг учинчи хат боши, 45-бандининг иккинчи хат бошига асосан "MAORIF PLUS" хусусий корхонаси ишлаб чиқариш тижорат фирмаси"нинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига 2006 йил 23 январда берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0001301 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 25 февралдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Хандалар

Тиланчи эшикни тақиллатди:

- Бир бўлак торт беринг.
- Ахир, сен доим нон сўрардинг-ку.
- Бугун туғилган куним-да!

Эр уйга маст ҳолда келди. Хотинининг уришини англаб, энг катта китобни олиб, ўзини ўқиётганга солди.

Хотини:

- Нима, яна ичдингми?!
- Нималар деясан? Кўрмайсанми, ўқиб ётибман-ку!
- Аҳмоқ! Жомадонни ёп ва ухла!

Имтиҳон топшираётган талаба билет олди — жавобини билмади. Бошқасини олди — уни ҳам. Учинчисини тортди — ташвишланарли.

Тўртинчиси, бешинчиси... шу ҳолат. Профессор унинг рейтинг дафтарида қўйди. Бошқа талабалар кичкиришди:

- Нима учун?!
- Қанақасига нима учун? — жавоб берди ўқитувчи. — Ниманидир кидиряптими, демек, ниманидир билади...


Қорни очган талаба ётганича хаёл суряпти:

- Нима дейсизлар йигитлар, келинлар, қўй боқиб оламиз. Гўшт, ёғ-мой дегандай...
- Нималар деясан! Ифлос-ку!
- Ҳечқиси йўқ, кўникади...

Икки дугона учрашиб қолди:

- Элла, янги уйда қандай яшайсан?
- Яхши. Тўғри, аввалига ўзимни бегонадай ҳис қилдим, ҳозир эса барча кўшнилари билан жанжаллашяпман.

KROSSWORD



Тузувчи: Исмоил МУСО

ЭНИГА: 1. Ал-Хоразмийнинг астрономияга оид асари. 2. Тошкент вилоятидаги қазилма бойлик номига қўйилган шаҳар. 5. Бўйма илон тури. 7. Спорт оёқ кийими. 8. Миллий тансиқ таом. 9. Европадаги дарё, Днепрнинг чап irmoғи. 10. Ибтотталаб бўлмаган ҳақиқат, ўз-ўзидан маълум нарса. 13. VI асрда Бухоро ҳукмдорларининг пойтахти бўлган қадимги шаҳар. 18. Индонезиядаги Кичик Зонд ороллари таркибига кирувчи орол. 19. Испаниянинг машҳур футбол жамоаси, қироллик клуби. 20. Ўзи ҳаракатга келадиган, ўзи бошқариладиган ва ўзи нишонга тўғриланадиган сув ости снаряди. 22. Жанубий Осиёдаги давлат пойтахти. 24. Мачтага ўрнатилган ва шамол кучи билан кемани юргизадиган катта кенг чодир. 26. Дунёдаги энг митти давлатлардан бири, князлик. 27. Қимматбаҳо тошлар ўлчов бирлиги. 28. Итлар туркумига мансуб, думи узун йиртқич ҳайвон. 29. Европадаги мамлакат. 32. Олтиариқнинг машҳур маҳсулоти. 34. Адабий йўналиш. 38. АҚШдаги штат. 39. Шимолий Америкадаги шаршара. 42. Аёллар бошга ўрайдиган, одатда, тўртбурчак мато. 43. Ватанпарварлик, қаҳрамонлик ҳақидаги тарихий афсона. 44. Кучли бўрон. 45. Қураш гилами. 46. Афғонистондаги шаҳар, вилоят маъмурий маркази. 47. Оғирлик ўлчов бирлиги.

БҲЙИГА: 1. Африка саванналарида яшайдиган йўл-йўл рангли ёввойи от. 2. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири. 3. Ўзбек халқ куйи. 4. Ўзбек мумтоз шоираси. 6. Хайитдан олдинги кун. 11. Сув транспорти. 12. Франциядаги порт-шаҳар. 13. Якка, ёлғиз. 14. Фовлаб ўсадиган, баргининг усти ялтироқ, ости кулранг ёввойи ўт. 15. Илонларни ўрганувчи мутахассис. 16. Навоий вилоятидаги туман. 17. Жанубий Америкадаги давлат. 20. Ғўладан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги. 21. Россиянинг шимоли-ғарбидаги кўл. 23. Озод, эркин. 25. Қуруқликнинг чуқур жойларидаги табиий сув ҳавзаси. 30. Сувсарсимонлар оиласига мансуб мўйнали сүтэмизкувча ҳайвон. 31. Адабий жанр, катта ҳажмли эпик асар. 33. Париждаги нодир санъат намуналари сақланадиган музей. 35. Куёшнинг ҳаракат йўлида жойлашган осмон буржи, Шамсия йил ҳисобининг иккинчи ойи. 36. Ўрта махсус ўқув юрти. 37. Фарбий Осиёдаги давлат пойтахти. 38. Қўрилаётган иш бўйича суд қарори. 40. Ота-бободан тарқаган, қолган насл, зурриёд. 41. Атрофи сув билан ўралган қуруқлик.

Рўйхатга олиш гувоҳномасининг эгаси (ru — владе-лец регистрацио-ного свидетель-ства, en — owner of registration certificate) — Рўйхатга олиш марка-зи томонидан номига рўйхатга олинувчи гувоҳнома берилган ва электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида электрон ҳужжатларда ўзининг электрон рақамли имзосини (электрон ҳужжатларни имзо-лаш) яратишга имкон берувчи электрон рақамли имзонинг тегишли ёпиқ калити-га эгаллик қилувчи жисмоний шахс.

Виртуал компа-ния (ru — компания виртуальная, en — virtual company) — Қоидага кўра, турли хил соҳаларда ишти-рослаштирилиб,

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

маълум мақсадларга эришиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиб ҳамкор-ликда келишилган фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Электрон савдо-ни амалга оширув-чи шахс (ru — лицо, осуществляющее электронную тор-говлю, en — person carrying out electronic trade) — Мол (товар)ларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишни, шунинг-дек, тадбиркорлик соҳасидаги бошқа фаолиятни электрон ҳужжатлардан фойда-ланган ҳолда амалга оширувчи, хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний ёки юри-дик шахс.

Электрон ҳужжат жўнатувчиси (ru — отправитель электро-нного документа, en — sender of the electronic document) — Электрон ҳужжатни шакл-лантирадиган, уни электрон рақамли имзо ёки бошқа ўхшаш, ўз қўли билан ёзилган, имзо билан имзолайдиган ва электрон ҳужжат олувчисига жўнатади-ган электрон ҳужжат алмашуви иштирок-чиси.

Мабрик.гай.миз!

“Фаргона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал муҳандиси Сергей ДАЦКО ҳамда Олтиариқ тумани телекоммуникациялар боғламаси электромеханиги Абдурашид МИРБОЙТОВларни 55 ёшга, Фаргона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси оператори Надежда КУЗНЕЦОВАни 54 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оилаларига тинчлик-омонлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Фаргона тумани почта алоқаси тармоғи бош ҳисобчи-си Манзураҳон ХУДОЙНАЗАРОВАни 55 ёши, Ўзбекистон ва Қува туманлари почта алоқа-си тармоқлари ходимлари Илҳомжон НАЖМИДДИНОВ ва Носиржон СИДДИҚОВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, хонадонларига файз-барака, хотиржамлик тилайди.

“ЎИ-Қарши” филиали жамоаси филиалнинг ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчиси Шерзод ҚИЛИЧЕВ ҳамда шаҳарлараро сўзлашув маскани оператори Сабо НАЗАРОВАларнинг таваллуд топган кунлари билан муборакбод этиб, уларга соғлиқ-омонлик, ишларида ривож, оиласига тотувлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали Яккабоғ почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходимлари Абдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ ҳамда Са-мандар АЗИЗОВларни туғилган кунлари билан муборакбод этади.



SPORT

"НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ" ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ ҒОЛИБИ

Наманган шахрининг "Пахлавон" мажмуаси ва вилоят Олимпия захиралари спорт коллежида Ёшлар йилига бағишланиб, спортнинг мини-футбол тури бўйича шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида шаҳар ҳокими соврини учун учинчи аънавий мусобақа ўтказилди.

Мусобақа иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришди. Ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар голиблик учун курашни давом эттирдилар.

"Наманган Телеком" жамоаси гуруҳ баҳсларида барча рақибларини мағлубиятга учратди. Кейинги баҳсларда ҳам вилоят алоқачиларига тенг келадиган жамоа топилмади:

Чорак финал

"Наманган Телеком" – "Алоқабанк" – 5:4

Ярим финал

"Наманган Телеком" – Шаҳар ҳокимлиги жамоаси – 3:1

Финал

"Наманган Телеком" — Олимпия захиралари спорт коллежи – 4:0



Филиал жамоаси ушбу мусобақаларнинг аввалгиларида учинчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган эди. Бу сафарги уриниш эса голибликни тақдим этди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ,

"Наманган Телеком" жамоаси сардори

"ПАХТАКОР" ЯНГИ ЎЙИНЧИЛАРНИ РАСМАН ТАНИШТИРДИ

"Пахтакор" клуби янги ўйинчиларни таништириш ва уларга жамоа формаларини расмий равишда топшириш маросимини ўтказди.



Дастлаб, клуб вице-президенти Самвел Бабаян, жамоа бош мураббийи Равшан Ҳайдаров, клубнинг янги футболчилари – Акмал Холматов, Нодир Кўзибоев ва Дарко Марковичлар футбол журналистларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Кейин эса мазкур футболчиларга "Пахтакор" клубининг либосларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Самвел Бабаян Акмал Холматовга "8", черногориялик футболчи Дарко Марковичга "7", Нодир Кўзибоевга эса "17" рақамли футболкани топширди.

«ОСИЁГА НАЗАР» ЛОЙИҲАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Осиё Футбол Конфедерациясининг "Осиёга назар" тараққиёт лойиҳаси иштирокчилари 21-25 феврал кунлари Ўзбекистонда расмий ташриф билан меҳмон бўлишди. Таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистон ушбу дастур доирасига кирган ўнинчи, Марказий Осиёда эса биринчи мамлакат бўлди.



Сафар давомида лойиҳанинг ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистонда футболнинг ривожланиш жараёни, инфратузилмаси, Ўзбекистон футбол федерациясининг фаолияти, профессионал клублар – "Пахтакор" ва "Курувчи"нинг ривожланиш босқичи билан танишиб чиқишди.

Бундан ташқари, ОФК мутахассислари Ўзбекистоннинг барча терма жамоалари базасини кўздан кечиришди. Сўнг эса Республика футбол мураббийлари ва ҳакамлари мактабига ҳам ташриф буюришди. Шунингдек, Бухорода меҳмон бўлиб, вилоят футбол федерациясининг фаолиятини яқиндан ўрганиб чиқишди.

Расмий ташриф давомида футболнинг маъмурий бошқарув, клублар тузилмаси, мусобақалар ўтказиш, оммавий ҳамда болалар-ўсмирлар футболли, ҳакамлик ва мураббийлик таълим малакаси бўйича ривожланиш тармоқлари борасида бир қатор учрашув ва семинарлар ўтказилди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Техрон шахрида тўрт жамоа иштирокида футбол бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Бош мураббий Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Эрон термасининг иккинчи таркибига 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди ва ушбу мамлакат ёшлар терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Якунда жамоамиз учинчи ўринни қўлга киритди.

Маҳаллий "Эрам-Эйр" жамоаси мусобақа голибига айланди. Ҳал қилувчи учрашувда ушбу жамоа Эроннинг ўринбосарлар терма жамоасини 8:7 ҳисобида мағлубиятга учратди.

WBO КАМАРИ ҲАМ КЛИЧКОДА

Ню-Йоркда ўтказилган профессионал бокс кечасида супер оғир вазн тоифасида IBF ва WBO камарлари соҳиблари қўшма чемпионлик жангида рингга кўтарилишди.



Жанг қутилган даражада қизиқарли ўтмади. Владимир Кличко ҳам Султан Ибрагимов ҳам рингда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Кам сонли ҳужумларда кўпроқ аниқ зарбалар берган кичик Кличко очколар ҳисобида ғалаба қозонди: 119-110, 118-110 ва 117-111.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлик котибаси Земфира БАЙНАЗОВАга акиси

Марат ЕГЕМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДХҲАЕВ
- Миродил САНГИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
- Асаджон ХҲАЕВ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашни мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матларининг тўғриликта таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

153-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адали: 14768 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслидин БҮРИЕВ.**
Матн тўғриси: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 7 8

Fido-biznes

2007 йилнинг 17-18 май кунлари ўтказилган дастурий махсулотларнинг "BEST SOFT – UZBEKISTAN 2007" биринчи миллий кўргазмасида "FIDO-BIZNES" компанияси кўпчилик эътиборини жалб қилган эди. Сабаби, кўргазма доирасида ташкил этилган танловда компания мутахассислари томонидан тайёрланган "Яхлит автоматлаштирилган банк тизими" ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ автоматлаштирилган электрон пул жўнатмалари дастурий мажмуалари "Энг яхши дастурий махсулот – йил маркази" ва "2006 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа" номинациялари бўйича голиб деб топилганди. Дарҳақиқат, компания томонидан ўтган 15 йил мобайнида бажарилган вазифалар шунчаки оддий ишлар эмас, балки дастурий махсулотлар соҳаси, қолаверса, иқтисодийетимиз ривожини учун хизмат қилувчи йирик лойиҳалардан иборатдир.



ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОЧИСИ

"FIDO-BIZNES" компанияси ташкил этилганига 15 йил тўлди

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил этилган аксарият ИТ-компаниялар асосан шахсий компьютерлар ва оргтехника воситалари савдоси ҳамда уларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган эди. "FIDO-BIZNES" компаниясининг асосий фаолият йўналиши эса бошқа фирмалардан фарқли ўларок, аввалдан дастурий махсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилди. Аввало, автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими йўналишида Олмалик тоғ-металлургия комбинати, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Чирчиқхумаш, Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби бир қатор йирик sanoat корхоналарининг ишлаб чиқариш тизимини автоматлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

1996 йили мамлакатимизда банк тизимини халқоролар бухгалтерлик ҳисоб-китоби стандартига ўтказиш ва ҳисобнинг янги режасини жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши компаниямиз тарихида ўзига хос бурилиш ясади, дейди "FIDO-BIZNES" компаниясини бош директори Комил Тагиров. Ўша вақтларда банкларда "банкларнинг амалиёт китоби" деб номланувчи турли ишлаб чиқарувчиларнинг дастурлари эксплуатация қилинаётган эди. Тез орада банклар тизими фаолияти учун бутунлай янги автоматлаштирилган лойиҳаларни яратмай туриб, ислохотларни амалга ошириш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Ана шундай лойиҳани қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш вазифаси бизга ишониб топширилди. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида банк мутахассислари таклифлари инobatга олинган ҳолда мавжуд тажрибалар умумлаштирилди. Айниқса, Марказий банк томонидан ташкилий ва услубий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатилди. 1997 йилнинг март ойида республика тижорат банклари бир вақтнинг ўзида биз томонимиздан ишлаб чиқилган Автоматлаштирилган банк технологиялари тизими (АБТТ) базасида қўлланиладиган ҳисобнинг янги режаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ўтказилди. 1997 йил охирига келиб эса АБТТ базасида янги – Тижорат банклари учун автоматлаштирилган ахборот тизимини яратдик. Бу тизим аввалгисидан технологик ва функционал жиҳатдан мукамаллаштирилиб, кенгайтирилди.

Таъкидлаш лозимки, лойиҳани амалга ошириш жараёнида ўша даврнинг энг сўнгги технология



воситалар қўлланилди. Бу даражада катта масштабдаги юқори технологик лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши нафақат автоматлаштирилган банк фаолиятида, балки мамлакатимизда ахборот тизимларини жорий этиш йўналишида ҳам ўзининг ижобий самарасини намойён этди. "FIDO-BIZNES" компанияси бугунги кунда ҳам ушбу лойиҳа бўйича ишларни давом эттирмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда кўпфилилли банклар учун ягона ахборот маконини таъминловчи марказлашган Яхлит автоматлаштирилган банк тизими (ЯАБТ) лойиҳаси амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу тизим реал вақт ичида ахборотга марказлашган тартибда ишлов бериш имконини беради. ЯАБТни доимий равишда техник ва функционал ривожлантириб бориш компания олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, яқин вақт ичида банк мижозларига масофавий хизмат (инфокиоскалар, банкоматлар,

мобил SMS-банкнинг) кўрсатишининг янги турларидан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

"FIDO-BIZNES" томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигида Давлат бюджети газна ижросининг автоматлаштирилган тизими яратилди. Бу – давлат бюджетини маблағларини режалаштириш ва бошқариш, унинг ижросини марказлашган ахборот тизими билан таъминлаш имконини беради. Ҳозирги кунда Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларида ҳамда пойтахтимизда жойлашган республика ташкилотлари бюджетларини ижро этишда мазкур тизимдан фойдаланилган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ учун пулни тезкор жўнатиш хизмати дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бошқа пул ўтказиш дастурларидан фарқ қилади. Компания мутахассисининг таъкидлашича, Ўзбекистон ҳудудида онлайн тизимида ишлайдиган бу дастур пулни санокли дақиқаларда ўз эгасига етказиш имконини беради. Яъни, пул жўнатаётган киши уни қабул қилиши керак бўлган шахсга кўнғироқ қилиб, хабардор қилгунга қадар маблағ белгиланган жойга етиб боради. Шунингдек, "FIDO-BIZNES" томонидан бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўлимлари молиявий-ҳўжалик

фаолиятини бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, пенсия ва нафақаларни тарқатиш, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилинмоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Алп Жамол" банкда – кўрсатилган хизматлар кўламини кенгайтириш бўйича автоматлаштирилган тизимини барпо этиш, Олмалик тоғ-металлургия комбинатида барча бўлимлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг марказлашган бошқаруви тизимини яратиш ҳамда ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш бўйича ишлар бажарилапти. Шу билан бирга, компания томонидан яна бир қатор янги лойиҳалар – ҳўжалик ҳамда бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича марказлашган ахборот тизимини яратиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

"FIDO-BIZNES" компанияси бугунги кунда Ўзбекистон бозорига технология ечимлар ва ахборот тизимлари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири сифатида ўз мавқеига эга. Юқорида таъкидланганидек, компаниянинг асосий ва муҳим йўналиши банк тизими учун янги дастурий махсулотларни ишлаб чиқариш бўлса-да, бошқа идора ва ташкилотлар учун ахборот тизимларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Компанияда ўсиш юқори (80дан ортиқ ходим ишлайди), бу ўсиш нафақат ходимлар сонининг ортиши, балки компания айланмаси, лойиҳалари миқдори ва мутахассислар малакасининг ошиб бориши билан ҳам боғлиқ. Кўп йиллик тажрибага қарамай, корхона асосини ёш кадрлар ташкил этади: ходимларнинг ўртача ёши 30дан ошмайди.

Oracle, IBM, Microsoft, Bull, FujitsuSiemens, "Инфотекс" ОАЖ (Россия) каби жаҳоннинг йирик компаниялари билан муस्ताҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ушбу ҳамкорликнинг ёрқин натижалари бажарилаётган ишларда ўз аксини топмоқда.

Фаолият самарадорлигини бозор белгилаб беради. Компания хизматларига эҳтиёж билдирувчилар сони тобора ортиб бораётгани "FIDO-BIZNES"нинг Ўзбекистондаги энг самарадор корхоналардан бири эканлигини исботлайди. Бу бежиз эмас. Компания жамоаси ҳар бир ишга жиддий ва қатъий ёндашади. Ўн беш йиллик кучли рақобат шароитида компания ўз ўрнига эга бўлиш билан бирга мавқеини бир неча поғона кўтаришга эришганининг сабаби ҳам шунда.

Лутфилло ТУРСУНОВ

мида ишлайдиган бу дастур пулни санокли дақиқаларда ўз эгасига етказиш имконини беради. Яъни, пул жўнатаётган киши уни қабул қилиши керак бўлган шахсга кўнғироқ қилиб, хабардор қилгунга қадар маблағ белгиланган жойга етиб боради. Шунингдек, "FIDO-BIZNES" томонидан бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўлимлари молиявий-ҳўжалик